

33  
(1351)-son  
17-avgust  
2018

# Xabar

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

## УШБУ СОНДА:

### ЯҚИН ҚЎШНИЧИЛИК

Тожикистон Президентининг  
Ўзбекистонга ташрифи  
дастури **2-бет**

### ҲАМКОРЛИК

АҚТ вазири Кореядаги  
ИНХА университети вице-  
президенти билан учрашди  
**3-бет**

### ИНТЕРНЕТ ХИЗМАТЛАРИ:

"Ўзбектелеком" АҚ  
Қирғизистон орқали ўтувчи  
янги интернет канални ишга  
туширди **5-бет**

### НАЧАТА РЕАЛИЗАЦИЯ ПРОЕКТА

«Создание платформы  
стартап экосистемы в  
Ўзбекистане» **6-бет**

### БИЗ ГАЛАБА ҚОЗОНАМИЗ

Ичимизда нима бор? **7-бет**

### ОЛТИ ОЙ

Касаба уюшма аъзолари учун  
нимаси билан ёдда қоладиган  
бўлди? **10-бет**

### ГЛОБАЛЛАШУВ

Замонавий технология  
дунёдаги энг бахтли  
мамлакатларга раҳна  
солмоқда **12-бет**

UZ ДОМЕН  
ХУДУДИ

(16.09.2018)

Фаол доменлар сони

**61 813** та

Бу йилги янги доменлар

**16 793** та

Бу йил ўчирилган  
доменлар

**7 112** та

Манба: cctid.uz



## ТАТУДА

# КРЕДИТ ТИЗИМИГА ЎТИЛДИ Бу қандай бўлади?

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиалларида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самардорлигини ошириш, олий таълим тизими ўқув жараёнига илгор халқаро тажрибани кенг жорий этиш, университетнинг жаҳондаги нуфузли

университетлар қаторига киришини таъминлаш мақсадида 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича ўқитишнинг кредит тизими жорий этилмоқда.

**Таълимнинг кредит тизими** — ўқитиш, таълим бериш ва баҳолаш ош-

коралиги тамойилига асосланган ҳамда талабага йўналтирилган синов бирликларини йиғиш ва кўчириб ўтказиш тизимидир. Таълимнинг кредит тизими жамағариб борилувчи ҳисобланади, яъни бу таълимнинг барча ҳосиллари бўйича илгари йиғилган кредитларнинг ўсиб борувчи ҳисобини билдиради. **4-бет**

### ПАРВОЗ

## ТОШКЕНТДАГИ ИНХА УНИВЕРСИТЕТИ ДАСТЛАБКИ ҚАЛДИРҒОЧЛАРИНИ УЧИРМА ҚИЛДИ



2018 йилнинг 14 август кунин Тошкент шаҳридаги ИНХА университетда Корея Республикаси ва Ўзбекистон ҳукуматининг расмий вакиллари иштирокида дастлабки битирувчи талабаларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

2014 йили Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Тошкент шаҳридаги ИНХА университети ҳозирда ахборот технологиялари соҳаси учун мутахассислар тайёрлайдиган етакчи университетлардан бири ҳисобланади.

Тантанали тадбирда қатнашиш учун Корея

Республикасидаги ИНХА университетининг вице-президенти Чеонг ИнКё раҳбарлигидаги делегация ташриф буюрди.

Тошкент шаҳридаги ИНХА университетининг "Компютер ва дастурий инжиниринг" йўналишини 87 нафар талаба битирди.


Барча битирувчиларга Тошкент шаҳридаги ИНХА университети ректори в.б. Музаффар Жалолов ҳамда Корея Республикасидаги ИНХА университетининг вице-президенти Чеонг ИнКё икки университетнинг қўшма дипломини топширишди.

Тошкент шаҳридаги

ИНХА университетидаги ўқиш давомида ўзини кўрсатган талабалар махсус сертификатлар билан тақдирланишди.

Бунёд Иброҳимов ва Юлдуз Хўжаева университетдаги ўқиш даврида қўлга киритган энг юқори баллари учун тақдирланишди. Азиз Сияев университетнинг ижтимоий ҳаётидаги фаол иштироки учун мукофотланди. Муҳаммадали Ҳаётовни ахборот технологиялари соҳасидаги турли танловларда ғолиб чиқиб, университетнинг обрўсини ошириши учун тақдирлашди.

**2-бет**



## ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ ДАСТУРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 9 август кунни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маиший чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш тизимини ривожлантириш бўйича йиғилиш ўтказилди. Унда мутасадди раҳбарларнинг ахбороти тингланб, тегишли топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 август кунни пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Бунёдкор ва Чупонота кўчалари кесишмасида қурилган замонавий кўприкни, шунингдек, Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғини бориб кўрди. Президент Шавкат Мирзиёев Шайхонтоҳур тумани Камолон маҳалласида қурилатган кўп қаватли уйларни бориб кўрди, ёзувчи-шоирлар билан мулоқот қилди. Президентимиз Бўзсув канали бўйлаб қурилган сўлим сайилгоҳни ҳам кўздан кечирди. Давлатимиз раҳбари Шайхонтоҳур туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид лойиҳалар билан танишди. Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғига ташриф буюриб, боғни замонавий паррка айланттиришга қаратилган лойиҳалар билан танишди. Президентимиз шу ерда маҳалла фаоллари ва зиёлилар билан суҳбатлашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 14 август кунни мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда қайси раҳбар қандай инвестиция лойиҳаларига масъул экани, уларнинг қиймати ва бажарилиш муддатлари бирма-бир муҳокама қилинди ҳамда маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг хорижий давлатларга қилган хизмат сафарлари натижаларига ҳам эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Генуя шаҳри яқинидаги автомобил кўприги қулаши оқибатида кўплаб инсонлар ҳалок бўлгани муносабати билан Италия Республикаси Президенти Сержо Маттареллага таъзия изҳор этди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда "Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича экспериментни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги фармонлари эълон қилинди.

Шу йилнинг 17-18 август кунлари Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон Ўзбекистонга ташриф буюради.

Шу йилнинг 17-18 август кунлари Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон Ўзбекистонга ташриф буюради.

Тожикистон Президенти Тошкентга 17 август кунни тонгда келади. Мустақиллик монументига гул қўйиш маросимидан сўнг Кўксаройда давлат раҳбарларининг музокаралари бошланади. Музокаралар аввал тор, кейин кенг доирада ўтказилади.

Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, туризм, маданий-гуманитар соҳалардаги ва ҳудудлараро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинади, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилади.

Музокаралар якунлари бўйича Ўзбекистон-Тожикистон ҳамкорлигини янги босқичга кўтаришга қаратилган



қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Куннинг иккинчи ярмида "Ўзэкспомарказ"да Тожикистон маҳсулотлари кўргазмаси бўлади. Эмомали Раҳмон пойтахтдаги "Артел" заводига ҳам ташриф буюриши кўзда тутилган.

Шу кунни Ўзбекистон ва Тожикистон Президентларининг икки мамлакат санъат усталари иштирокида ўтказилганда концертда қатна-

шиши режалаштирилган.

Тожикистон Президенти 18 август кунни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов, Бош вазир Абдулла Арипов билан учрашувлар ўтказди. Эмомали Раҳмон шу кунни Самарқандга ташриф буюриб, диққатга сазовор масканларни зиёрат қилади.

Ташриф давомида дастурга ўзгаришлар киритилиши мумкин.

### ПАРВОЗ

## ТОШКЕНТДАГИ ИНҲА УНИВЕРСИТЕТИ ДАСТЛАБКИ ҚАЛДИРҒОЧЛАРИНИ УЧИРМА ҚИЛДИ



◀1-бет.

Тадбирда сўзга чиққан Корея Республикасидаги ИНҲА университети вице-президенти Чоён ИнКё шундай деди: "Умид қиламанки, битирувчилар Ўзбекистон келажаги учун ўзларининг бор кучларини аямайдилар.

Ўзбекистон МДҲдаги бозор иқтисодиёти шароитига ўзига хос тинч йўл билан ўтаётган оз сонли давлатлардан биридир. Сизлар Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетидеда ўқиган вақтингизда олган билимларингизни ишга соласиз

ҳамда ўз билимларингизни кенгайтириш йўлида тинмай изланасизлар деган умиддаман".

Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети ректори в.б. Музаффар Жалолов ҳам битирувчиларни қутлади: "Сизларнинг кўпчилигингизнинг ишга жойлашгани, айримларнинг эса хорижий университетларга ўқишга киргани – муассасамиздаги академик дастурларнинг сифати юқори эканлигидан далолатдир. Мен барча педагогик таркибга, шунингдек, университетнинг барча ходимларига талабаларга, ҳукуматимизга бўлган фидойилиги, талабаларга яратиб берган аjoyиб муҳит учун миннатдорлик билдираман. Университет маъмурияти олий таълим муассасасининг ишини такомиллаштириш ва таълимнинг янги йўналишларини очиб борасизда иш олиб боради".

### ТАЪЛИМ

## АНДИЖОНДА ШИМОЛИЙ ХИТОЙ ТЕХНОЛОГИЯ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ФАКУЛТЕТИ ОЧИЛАДИ

Шимолий Хитой технология университети вице-президенти, профессор Шен Зи Ли хоним бошчилигидаги делегация аъзолари Андижон машинасозлик институтига ташриф буюришди.

Хитойлик меҳмонлар Андижон машинасозлик институти профессор-ўқитувчилари билан учрашиб, ўзаро тажриба алмашиш, илмий тадқиқот ишларини ҳамкорликда олиб бориш, ил-

мий лойиҳаларни тайёрлаш каби бир қатор масалаларда ўзаро фикр алмашишди.

Ташриф давомида Шимолий Хитой технология университети ва Андижон машинасозлик институти ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди. Унга кўра, икки олий таълим муассасалари ўртасида кўшма факултет очиш, талабаларни ҳамкорликда ўқитиш, кўшма диплом бериш каби масалалар режалаштириб олинди.

# АКТ ВАЗИРИ КОРЕЯДАГИ ИНҲА УНИВЕРСИТЕТИ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН УЧРАШДИ

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шухрат Солиқов 14

август куни Корея Республикасидаги ИНҲА университети-нинг вице-президенти Чеонг ИнКё билан учрашди.

Чеонг ИнКё Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети-нинг дастлабки битирувчиларини тантанали тақдирлаш маросимида иштирок этиш мақсадида Ўзбекистонга ташриф буюрган.

Учрашувда Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети дастлабки битирувчиларининг ўқишни муваффақиятли якунлашгани таъкидланди. Шунингдек, Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети (IUT)нинг 4-босқич талабалари “3+1” дастури бўйича Корея Республикасида сўнгги босқич-

ни муваффақият билан якунлашгани қайд этиб ўтилди.

Учрашув давомида Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети-нинг ривожланиш масалалари, хусусан, магистратура ҳамда бакалаврият таълимининг янги йўналишларини жорий этиш, амалда бўлган ҳамда очилиши режалаштирилаётган янги йўналишларнинг режалари кўриб чиқилди.

Учрашувда Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети-га ректор в.б. этиб тайинланган Музаффар Жалолов ҳам иштирок этди.



### МАЪЛУМОТ УЧУН:

2017 йилнинг июн ойида Инчхон (Корея Республикаси) шаҳридаги ИНҲА университетиде 99 нафар талаба “Компютер ва дастурий инжиниринг” факултетида ўқишни бошлашди. Бу ўқиш “3+1” дастури бўйича 3 йил Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетиде ва бир йил Корея Республикасидаги ИНҲА университетиде таълим олишни назарда туташди.

Ўзбекистонлик талабалар икки семестр давомида Корея Республикасидаги ИНҲА университети-нинг юқори малакали профессорларидан сабоқ олишди. 2017 йилнинг 21 декабр куни Инчхон шаҳрида IUTнинг 4-босқич талабалари ўқишни تامомлаганлик-лари муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

### МУНОСАБАТ

# АКТ ВАЗИРЛИГИ VPNдан ФЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ЖАЗО БЕЛГИЛАНИШИ МУМКИНЛИГИ ҲАҚИДАГИ ХАБАРЛАРНИ ИНКОР ЭТДИ

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳокамаси порталига Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирилик томонидан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ҳужжат лойиҳаси муҳокамага қўйилди.

Унда Жиноят кодексига телекоммуникация тармоғига

ноқонуний (рухсатсиз) кириш тўғрисидаги қўшимча модда киритилиши таклифи билдирилган. Жумладан, лойиҳада “телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш, ҳимоя тизимларини ўрнатган ҳолда халқаро трафикларга кириш мақсадида ноқонуний (рухсат этилмаган) тармоқларга кириш, шунингдек, ушбу мақсадларда махсус дастурлар ва аппарат восита-

ларини ўрнатиш ва сақлаш учун ноқонуний (рухсат этилмаган) телекоммуникация тармоқларига кириш” учун жазо таклиф қилинган.

Ушбу модда талабларини бузганларга энг кам иш ҳақининг 100-300 бараварига-ча миқдордаги жарима ёки 3-5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазириликдан “Хабар”га маълум қилишларича, ушбу ҳужжат айрим оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда нотўғри талқин қилинмоқда. Жумладан, бу модда билан VPN-тармоқлар, VPN-каналлар, прокси-серверлардан шахсий мақсадларда ёки бизнес учун фойдаланиш чекланади, деган фикрлар янграй бошлади.

“Жиноят кодексига киритилиши таклиф этилаётган ўзгаришлар тижорат асосида халқаро сўзлашувларни ташкил этиш бўйича ноқонуний фаолият олиб борувчи шахсларга қарши қаратилган. Гап халқаро трафикнинг ўтказилиши ҳақида кетяпти”, — дея изоҳлади АКТ вазирилик вакили.

Демак, бу таклифда ахборот ёки ахборот ресурсларидан фойдаланишни, шунингдек,

бунинг учун VPN-тармоқлар, VPN-каналларни, прокси-серверларни шахсий мақсадларда ёки бизнес учун фойдаланишни чеклаш масалалари кўзда тутилмаган.

Кодексга киритилиши таклиф қилинган маъмурий жавобгарлик ҳақидаги банд эса телекоммуникациялар тармоғига ноқонуний (рухсатсиз) уланган шахсларга қаратилган. Мисол учун, фойда олишни мақсад қилмаган ҳолда телефон алоқаси ва интернетдан бепул фойдаланиш учун паролларни бузиб, қўшнисининг телефон ёки Wi-Fi тармоғига улашиб олган шахсларга қўлланилади.

Таҳлиллар сўнгги вақтларда Wi-Fi тармоқларига рухсатсиз улашиб ҳолатлари кўп учраётганини кўрсатмоқда. Бундан эса мижозлар жиддий зарар кўрмоқда ва унинг интернетидан рухсатсиз фойдаланганлар учун ҳам ишлатилган трафик ҳақини тўлашга мажбур бўлишяпти”, — дейди вазирилик ходими.

Шунингдек, республика бўйлаб Wi-Fi худудларининг тобора кенгайтирилаётгани Wi-Fi тармоқлари эгаларини ҳимоя қилиш ҳамда бу йўналишлардаги қонунбузарликлар учун жавобгарликни ўрнатиш заруратини юзга келтиряпти.





# ТАТУДА КРЕДИТ ТИЗИМИГА ЎТИЛДИ Бу қандай бўлади?

◀ 1-бет.

“**Ўқув жараёнига дунё олий ўқув юртларида кенг тарқалган ўқитишнинг кредит тизими жорий қилиш орқали университетнинг жаҳондаги нуфузли олий таълим муассасалари қаторига киришини таъминлаш мумкин.**”

Кредит тизимининг аҳамияти шундаки, академик дастурлар меҳнат бозори талабларига мос ҳолда тузилади. Ўқув режадаги фанларнинг 50 фоизи танлов фани бўлиб, ўқув жараёнига ахборий тизимлар жорий этилади. Шунингдек, талабаларни ўқитиш ва меҳнат бозорига тайёрлашга индивидуал ёндашилиб, улар мустақил таълим олишга йўналтирилади. Индивидуаллашган ва дифференциаллашган ўқитиш тизими таълим муассасаларининг муқобилиги, ўқув-дастурий ҳужжатларнинг ҳаракатчанлиги, ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий шароитта мослашувчанлигига асосланган.

Кредит тизимида дарс интерфаол шаклда ўтилади ва ҳафта давомида талабани мустақил ишлашга йўналтирилади. Ҳафта охирида ҳар бир ўқитувчи машғулот натижаларини жамлайди ва талабалар ҳафталик рейтинг билан танишади. Шундай қилиб, таҳсил олувчи ўз йўналиши муваффақиятидаги ўсиш ёки тушишни кўриши мумкин. Талаба бир марта яхши тайёрланмай, кам балл олса, унинг ўртача баҳоси тушиб кетади. Талабанинг маъруза, семинар машғулотларига келмасдан, имтиҳондан аввал

эса ҳамма материалларни ёллаб ёки имтиҳонда тасодифан таниш савол тушиб, имтиҳондан ўтиши ҳолатлари учрамайди.

Кредит технологияси таълим олувчиларга ишчи ўқув режага киритилган танлов фанларини танлаш, бу орқали индивидуал ўқув режасини шакллантиришда бевосита иштирок этиш ҳуқуқини беради. Нафақат фанлар, балки профессор-ўқитувчиларни ҳам танлаш эркинлиги берилади. Баъзи ўқитувчилар уларни талаба танламаса, бу ҳолатни жуда оғриқли қабул қилади. Биринчи босқич талабалари ҳали педагогларни танламайди. Юқори малакали, аммо қаттиққўл ўқитувчининг талабаларсиз қолиш хавфи ҳам бор. Бироқ орадан вақт ўтиб, ҳаммаси ўз жойига тушади — талабалар талабчан, аммо яхши тайёрлайдиган ўқитувчини танлайди.

**Хўш, Ўзбекистон олий таълимда кредит тизимини жорий этиш қандай самара беради?**

Ўз-ўзидан маълумки, Ўзбекистон таълим тизими динамик равишда ривожланиши ҳамда глобаллашув ва ахборотлашув жараёнига муносиб жавоб бера олиши керак. Шу сабаб зарур ахборотни мустақил топадиган, унга ишлов бериб, таҳлил қиладиган ва ундан самарали фойдаланадиган мутахассисларни шакллантиришда ўқитишнинг кредит тизимини кенг жорий этиш лозим.

Муҳаммад ал-Хоразмий номдаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиалларида ўқитишнинг кредит тизими татбиқ қилиниши ҳозирги ўзгарувчан халқаро меҳнат бозорига рақобатлаша оладиган олий тоифали мутахассисларни тайёрлаш ҳамда умумжаҳон олийгоҳлар рей-

тингида юқори 1000таликка киришга имкон яратади.

**Академик кредит тизими нимани аниқлатади?**

Академик кредит тизими талабанинг олийгоҳда самарали билим олишини аниқлаб берувчи стандартлаштирилган баҳолаш тизими ҳисобланади. Айрим ҳолларда олийгоҳ ҳаётига эндигина қадам қўйган талабалар кредит тизими бўйича махсус курсни тамомлайди.

Тизимнинг энг оммабоп ва таниш шакли — ECTS (European credits) ва Semester credit hours (SCH) and quarter credits (American credits). Таълим даври мобайнида талаба кредитларни тўплайди, бунинг учун у курсларни муваффақиятли тамомлаши лозим.

**Кредит тизимида талаба қандай баҳо олади?**

Одатда курсни ташкил этган ўқитувчи талабаларнинг давомати, белгиланган тестларнинг натижаси, талқинот иши ва якуний ёзма ишига қараб умумий баҳони белгилайди.

Курслар турли қийинчиликлардан таркиб топгани ва талабанинг мутахассислигига қанчалик мос келишига қараб кредит баллари ҳам фарқланади. Масалан, кўп иш ва изланиш талаб этган курснинг кредит баҳоси ҳам катта бўлиши тайин.

**Кредит тизими Ўзбекистон олийгоҳларига нега керак?**

Ўқув жараёнига дунё олий ўқув юртларида кенг тарқалган ўқитишнинг кредит тизimini жорий қилиш орқали университетнинг жаҳондаги нуфузли олий таълим муассасалари қаторига киришини таъминлаш мумкин.

**Кредит тизими талабага қандай фойда беради?**

Биринчидан, тўпланган кредит баҳолари ўзгармаслиги туфайли, у билан исталган мос олийгоҳга ўқишни кўчи-

риб ўтиш қийин бўлмайди.

Иккинчидан, талабалар истагидан келиб чиққан ҳолда фан танлаш имкониятига эга бўлади. Албатта, бу ўринда мажбурий ўрганилиши лозим бўлган фанлар ҳам бор, аммо талаба мустақил танлов фанларини белгилаши мумкин.

Ўқитишнинг кредит тизимида талабанинг маълум ўқув курсини ўзлаштириш даражаси турли мезонлар асосида белгиланадиган маълум миқдордаги кредитлар суммасини йиғишига боғлиқ бўлади.

Кредит тизimini жорий этишда миллий менталитетимиз ва ёш билан боғлиқ хусусиятларни инобатга олган ҳолда талабаларнинг маънавий-маърифий жиҳатдан ривожланишига етарлича эътибор бериш лозим. Бунинг учун олий таълимда ўқув ва тарбия жараёнини ўйғун олиб бориш, олим, ўқитувчининг ижтимоий мавқеини ошириш, яъни талабаларнинг уларга ҳавас қилиши, эргашишига эришиш мақсада мувофиқ.

Ҳозир Ўзбекистонда таълим сифатини ошириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хориж тажрибасидан кенг фойдаланилган. Давлат бюджетининг 35 фоизи таълимга ажратилган. Бу, албатта, қувонарли ҳол. Ўқитишнинг кредит технологияси ёрдамида юсак маънавийатли, ижодкор, ноодатий фикрлайдиган, инновация ва ташаббусларга бой мутахассисларни етиштиришга ҳамда таълим сифатининг кескин ошишига эришиш мумкин.

**Ҳикмат САФАРОВ,**  
Муҳаммад ал-Хоразмий номдаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали матбуот котиби



## ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН: АКТ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК КУЧАЙТИРИЛАДИ

Шу йилнинг 5-9 август кунлари Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги делегацияси Ҳиндистоннинг Нью-Дели шаҳрида бўлди. Бу ерда Ҳиндистон электроника ва ахборот технологиялари вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик бўйича тақлифлар тайёрланган эди.

Ташриф доирасида Деҳли шаҳридаги Ҳиндистон технологиялар институти ва Деҳли технологиялар университети раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилди. Ҳиндистон таълим муассасалари ва Тошкент ахборот технологиялари университети ўртасида ўзаро талабалар алмашиш, қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш, ўқитувчилар малакасини ошириш, шунингдек, давлат грантлари асосида ўзбекистонлик талабаларнинг ўқишига жой ажратиш бўйича келишувларга эришилганди.

Жавоҳарлаъл Неру номидаги Ўзбекистон-



Ҳиндистон ўқув маркази фаолиятини такомиллаштириш масаласи бўйича Етакчи ҳисоблаш маркази билан ҳамкорлик ривожланмоқда. Унга кўра, техник университет талабалари ва давлат хизматчилари ҳамда мутахассисларига компютер ва тизим инжиниринги, маълумотлар алмашиш ва дастурлаштириш фашилари бўйича таълим бериш кўзда тутилади. Шунингдек, “Электрон

ҳукумат” тизimini ривожлантириш маркази ва Ҳиндистон ахборот технологиялари маркази ўртасида электрон ҳукуматнинг қатор йўналишлари: электрон тиббиёт, электрон таълим, электрон парламент, бизнес жараёнларни автоматлаштириш ва бошқалар бўйича давлат хизматчиларини ўқитишни ташкил этиш бўйича ҳамкорлик юзасидан келишувга эришилган.

### ТАЙИНЛАШЛАР

## ЖАЛОЛИДДИН РАҲИМОВ ЯНА UZINFOCOMГА РАҲБАР БЎЛДИ



Жалолоiddин Раҳимов Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор — UZINFOCOM МЧЖга бош директор этиб тайинланди.

Жалолоiddин Раҳимов аввал ҳам узоқ муддат UZINFOCOM марказини бошқарган. У 2005-2012 йилларда марказ директори бўлган.

Эслатиб ўтамыз, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузури-

даги Миллий лойиҳа бошқаруви агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”-ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг UZINFOCOM компютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази негизида давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор ташкил қилинган эди.

## ТОШКЕНТДАГИ ИНҲА УНИВЕРСИТЕТИГА РЕКТОР ТАЙИНЛАНДИ



Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетида 32 ёшли Музаффар Жалолов ректор вазифасини бажарувчи этиб тайинланди.

Музаффар Жалолов бунга қадар UNICON.UZ фан-техника ва маркетинг тадқиқотлар маркази давлат унитар корхонаси директорининг ўринбосари вазифасида ишлаб келаётган эди.

У 1986 йили Тошкентда туғилган. 2007 йили Тошкент ахборот технологиялари университетини тамомлаган. Сўнг Корея Республикасининг Йонгнам университетидан магистр унвонини олган.

Эслатиб ўтамыз, Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетининг аввалги ректори Сарвар Бобоҳўжаев халқ таълими вазирининг ўринбосари этиб тайинланган эди.

## DIGITAL CASA

лойиҳаси бўйича Жаҳон банкининг вакиллари билан учрашув ўтказилди

2018 йилнинг 14 август кунини “Электрон ҳукумат” тизimini ривожлантириш марказида Жаҳон банки вакиллари билан навбатдаги учрашув бўлиб ўтди.

Юртимизга уюштирилган учинчи миссия доирасида ўтказилган учрашувда Жаҳон банки томонидан дастурлар бўйича катта мутахассис, ID4D техник ёрдам гуруҳи раҳбари Луда Бужорену, Молдованинг рақамли технологиялар бўйича мутахассиси Юрий Туркан, Жаҳон банки маслаҳатчиси Санжар Саидхўжаев иштирок этишди.

Тадбир давомида Ўзбекистонда Digital CASA лойиҳасини тайёрлашни давом эттириш ва “Ривожлантириш мақсадидаги рақамли идентификация (ID4D)” глобал ташаббуси доирасида техник ёрдам кўрсатиш масалалари муҳокама қилинди.

“Электрон ҳукумат” маркази мутахассислари мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, банк секторини рақамлаштириш, рақамли иқтисодиёт бўйича концепцияни тайёрлаш, электрон тижорат масалалари бўйича Миллий реестрини жорий этиш ва бошқалар ҳақида сўзлаб беришди.

Йиғилишда “Электрон ҳукумат” маркази томонидан давлат органларининг АКТ бўлимлари ходимлари учун ўтказиладиган ҳафталик коллегиял семинарларга алоҳида эътибор қаратилди. Меҳмонлар ушбу семинарлардан бирида иштирок этиш истагини билдирдилар ва шу муносабат билан 16 август кунини Алоқа тарихи музейида бўлиб ўтадиган “Электрон ҳукумат таркибида АТнинг роли” мавзусидаги семинарда тақлиф қилиндилар.

## “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК ҚИРҒИЗИСТОН ОРҚАЛИ ЎТУВЧИ ЯНГИ ИНТЕРНЕТ КАНАЛНИ ИШГА ТУШИРДИ



Куvasой (Фаргона вилояти) — Қизил-Қия (Боткен вилояти) ҳудудида “Ўзбектелеком” АК ва “ЭлКат” МЧЖ (Қирғизистон Республикаси) телекоммуникация тармоқларини ўзаро боғлайдиган янги трансегаравий канали қурилиши яқунланди. Ушбу халқаро телекоммуникация туташиш нуқтаси 16 август кунини тижорий фойдаланишга топширилди. Бу ҳақда компания матбуот хизмати хабар берди.

Шунингдек, компаниялар ўртасида телеком-

муникация тармоқларининг ўзаро алоқаларини таъминлаш ва телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида битим имзоланди.

Қирғизистон ҳудудидадан ўтувчи ушбу янги канал интернетга улашнининг муқобил йўллари оқиди. Мазкур маршрут Афғонистон ва Туркменистон йўналишларида транзит алоқа каналларини йўлга қўйиш имконини бериб, “Ўзбектелеком” АКнинг экспорт салоҳиятини оширади.

## 6 ЭЛЕКТРОННОЕ ПРАВИТЕЛЬСТВО

## НАЧАТА РЕАЛИЗАЦИЯ ПРОЕКТА «СОЗДАНИЕ ПЛАТФОРМЫ СТАРТАП ЭКОСИСТЕМЫ В УЗБЕКИСТАНЕ»



15 августа 2018 года в Центре развития системы «Электронное правительство» (Центр) прошла встреча с представителями компании «IGB & Company».

В настоящее время, совме-

стно с Национальным агентством по продвижению ИТ-индустрии Республики Корея (NIPA) и корейской консалтинговой компанией «IGB & Company» ведется реализация

проекта «Создание платформы стартап экосистемы в Узбекистане», в рамках которого в республику прибыли специалисты компании «IGB & Company» для проведения предпроектных исследований.

Тематика встречи была поделена на 2 части: обсуждение вопросов текущего состояния развития стартап-индустрии в Узбекистане и обмен опытом в данном направлении с Республикой Корея. Гости представили презентацию о Платформе экосистемы стартапа. Примечательно отметить, что в Южной Корее имеется ряд благоприятных условий для развития стартап-индустрии: K-startup portal, Business incubator portal, Angel

investment portal и прочие. В тесном сотрудничестве правительственного и частного секторов Кореи, процесс создания благоприятных условий для развития данной индустрии имеет непрерывный характер.

В ходе встречи заместитель директора Центра рассказал о деятельности Центра и о работе, проводимой в нашей стране в области ИКТ. Руководство Центра выразило готовность и в дальнейшем сотрудничать с профильными южнокорейскими специалистами в вопросах анализа, обмена данных и возможного запуска национального стартап-портала, предусмотренному в рамках проекта «Создание платформы стартап экосистемы в Узбекистане».

## ИТ-ОБРАЗОВАНИЕ

## ТУИТ НАЛАЖИВАЕТ СВЯЗИ С УНИВЕРСИТЕТОМ США ДЛЯ РАЗВИТИЯ ТУРИСТИЧЕСКОЙ ИНДУСТРИИ

При планировании отдыха, конечно же, Узбекистан не возглавляет туристический рейтинг. Но в ближайшее время ситуация может измениться, поскольку делегация Университета Южной Каролины выразила желание посетить Узбекистан для сотрудничества в развитии туристической индустрии и сферы услуг в Узбекистане.

Согласно журналу Conde Nast Travel Узбекистан является одним из популярных мест для туризма. Кроме того, в международных изданиях Узбекистан отмечается как «замечательная страна, которую вы еще не посетили». Наша

республика динамично развивается по пути экономического возрождения, направленного на оказание качественных услуг клиентам. Замечательная архитектура, оживленные восточные базары и исторические достопримечательности привлекают современных путешественников.

«Наша сфера деятельности может объединить культуры, вдохновить на приключения, укрепить мировую экономику и улучшить жизнь людей», — говорит Марк Розенбаум, руководитель отдела розничной торговли (UofSC).

В рамках инициативы по созданию инфраструктуры оказания услуг в нашей стране руководители двух столичных университетов, Ташкентского экономического университета и Ташкентского университета информационных технологий этим летом посетили колледж управления туризмом, розничной торговли и спортом (HRSM) Университета Южной Каролины (город Колумбия). После ознакомления с различными факультетами и отделами, был разработан меморандум о взаимопонимании между вузами, нацеленный на налаживание сотрудничества по новым на-

учным изысканиям. Данный меморандум принят в качестве плана действий. Ожидается только окончательное согласие Попечительского совета.

Инициатива представителей узбекистанских вузов позволит реализовать предпринимчивость и динамику нашего колледжа, — отмечает декан HRSM Haemoon Oh. — Это сотрудничество является мощной образовательной ареной для продвижения опыта ведущих предприятий отрасли, обмена инновациями и опытом между студентами, преподавателями. Мы очень рады сотрудничать с партнерами, обладающими такой экономикой».

Сотрудничество в данной сфере направлено на создание возможностей для межкультурного образования, глобальных исследований и развития рабочей силы. В результате этого, появятся условия для развития торговли, туризма, электронной торговли, производства продовольственных товаров и напитков, спорта и индустрии развлечения, а также повышения научного потенциала одаренных студентов в Южной Каролине.

«Наша сфера деятельности может объединить культу-

ры, вдохновить на приключения, укрепить мировую экономику и улучшить жизнь людей», — отмечает Марк Розенбаум, руководитель отдела розничной торговли (UofSC). — Будущее постсоветских стран связано с развитием сфер оказания услуг, что Узбекистану вполне по силам».

Приезд в Узбекистан по сравнению с ситуацией пятилетней давности облегчен, кроме того упрощены процедуры связанные с визовой поддержкой. Гости, которые приедут в Узбекистан смогут восхищаться красотой тысячелетних памятников. Три важных пункта на древнем Великом Шелковом пути, который протянулся от Китая до Турции, расположены в Узбекистане.

Начался новый период в развитии Узбекистана, в котором важную роль сыграет сотрудничество и совместная работа руководителей ведомств, учреждений, специалистов отрасли с представителями университета Южной Каролины. Визит руководителя отдела управления туризмом, ресторанным делом и гостиничной школой Дрю Мартин послужит основой для сотрудничества в развитии туристической отрасли.



## ИНТЕРНЕТ РЕСУРСЫ

## «ЭЛЕКТРОННЫЙ НАЛОГОВЫЙ ИНСПЕКТОР»

Налоговыми органами создается интернет ресурс, реализующий широкий спектр сервисно-ориентированных функций в качестве бизнес-партнера и консультанта для налогоплательщиков — веб-портал с условным названием «Электронный налоговый инспектор». Государственный налоговый комитет на своем сайте принимает предложения по веб-порталу «Электронный налоговый инспектор».

Веб-портал предназначен для осуществления гражданами общественного контроля в налоговой сфере, прове-

дения самопроверки по вопросам налогового законодательства и администрирования, получения разъяснений и онлайн консультаций в сфере налогообложения.

Есть идеи, как сделать веб-портал действительно нужным и полезным? Тогда просим Вас принять участие в обсуждении концепции веб-портала! Нам очень важно Ваше мнение, идеи, предложения, которые Вы можете прислать по адресу [my@soliq.uz](mailto:my@soliq.uz) с пометкой «new web portal».

Журналист ва таржимон Шухрат Сатторов Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг жамоатчилик билан aloqalar ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўлимида фаолият кўрсатади. Уни тез-тез телеэкранларда кўрамиз, ёшларга оид анжуманларда, турли тадбирларда учратиб қоламиз. Яқинда у "Биз галаба қозонамиз" деб номланган ilk муаллифлик китобини ўқувчиларга тақдим этди.

Ёш ижодкорнинг ушбу китобидан лавҳалар бериб боришга қарор қилдик. Зеро, муаллиф айтганидек: "Китоб юртдошларимизни орзу-мақсадлар йўлидан эътиқод билан боришга чорлайди, муносиб ҳаёт кечиришга ундайди".

Китоб сизни юксак марралар сари орзулантиришига ишонамиз!

Тахририят



# ИЧИМИЗДА НИМА БОР?

Болалик хотираларини унутиш қийин. Айниқса, дам олиш кунлари мен учун байрам эди. Шу кунни отам билан шаҳар кезгани чиққанмизда доим марказий хиёбондаги пуфакчи амакининг олдида шошар эдим. У ҳар замонда сержило шарларини самога учуриб, болаларнинг ақлу-хушини ўғирлар эди. Негадир бошқа ҳеч кимнинг шари бу қадар юксакка кўтарилмас эди.

Сариқ, қизил, мувий, кўм-кўк пуфакларни танлашда қийналиб кетардим. Бир кунни бу яхши амакининг менга айтган сўзлари ҳануз ёдимда сақланиб қолган.

"Амакижон менга энг баландга, ҳамма-

никидан юқорига кўтариладиган рангидан беринг!"

Шунда пуфакчи мен томонга энгашди, маъноли кўзларини менга тикди:

"Ўғлим, шарнинг баланд кўтарилиши унинг рангига эмас, унинг ичи нима билан тўлдирилганига боғлиқ ..."

У шундай деб кўрсаткич бармогини лабига босди, нигоҳи билан бу сўзлар ўртаимизда сир бўлиб қолиши зарурлигига ишора қилди. Мен ўшанда самога кўтариладиган шарларнинг гелий билан тўлдирилганини билмас эдим.

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, мактабда ёки университетда натижалари бир хил бўлган икки аълочи инсоннинг ҳаёт йўли

нега турлича бўлади? Нега улардан бири бахтиёр, бошқаси хафа яшайди? Бири муваффақиятидан илҳомланиб умр кечирса, иккинчиси бутун умр кундалик ташвишлар гирдобидан умргузаронлик қилади.

Нега биримиз ўзимизга бўлган ишонч ҳамда эътиқоддан куч олиб яшаймиз, иккинчиси эса ғазаб ва кўрқоқлик мағлуб қилади? Нега шундай? Боиси, шарлар каби бизнинг ҳам ичимиздаги бўшлиқ бошқа-бошқа унсурлар билан тўлдирилган, онг-шууримиз турлича ҳислар билан

тўлган.

Инсон орзулари сарҳадини кесиб ўтар экан, ичидаги ишонч улкан кучга айланади. Ич-ичимизда содир бўлган қайта туғилиш ҳодисаси аслида сизни кун келиб содир бўладиган муқаррар жанг учун тайёрлаб келади. Чўққидидаги одам манзилга етгач, қаршисида ундан ҳам улкан чўққи борлигини англайди: мунтазам юксалиш — голибликнинг ягона йўли. Ҳар бир галаба аслида кейинги кураш учун чақириқдир.

Шарқ ҳикматлари орасида "Ўзини билган авлиё бўлади" деган ўғит бор. Мавлоно Жалолиддин Румий инсоннинг буюк бир мўъжиза экани ва унинг жисмида ҳамма нарса ёзилганини айтади. Бугунги илм эса бунини ўзича изоҳлайди: ҳаётимизга дахлдор энг мўъжизавий кашфиёт шуки, биз ўз онг-шууримизни бошқариш орқали ҳаётда ҳар қандай мақсадни забт этишимиз мумкин.

Шухрат САТТОРОВ  
"Биз галаба қозонамиз" китобидан



## МУТОЛААДАН ЗАВҚЛАНИБ ЯШАНГ!

Юртимизда китобга, мутолаага муносабат сезиларли даражада ўзгариб борапти.

Кутубхоналарга янада кўпроқ аҳамият берила бошланиши, "Ахборот-кутубхона муассасаларининг энг яхши мутахассиси" кўриктанловининг ўтказилиши

кутубхона ходимларини ўз устида ишлашга, изланишга, замон талабларига мос кадрлар бўлишга чорлаётир.

Кўп китоб ўқиган голиб китобхонларга автомобил совға қилиниши бугунги кун ёшларимизнинг китобга бўлган қизиқишини оширди.

Тошкент шаҳар "Билим" ахборот-кутубхона марказида иш бошлаганимга ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Бу зиё масканига кунига юзлаб одамлар китоб ўқишга, турли мавзуларда маълумотлар олишга ошиқадилар. Айниқса, ёшлар, абитуриентлар, нафақа ёшидагилар, турли соҳа вакиллари доимий китобхонларимизга айланишган.

Ёшлар китоб ўқимай қўйиши ёки китоб ўқишга эътибор камайиб кетди, деган иборалар энди бизга ёт бўлиб борапти. Аксинча, кундан-кунга аҳоли ўртасида китобхонлик маданияти ривожланаётир. Ёзги таътилни мазмунли ўтказиш мақсадида мактаб ўқитувчилари томонидан ўқувчиларга бадиий адабиётлар рўйхати

ва топшириқлар берилган. Бу адабиётларни излаш ва улардан фойдаланиш ниятида кутубхонамизга ўқувчилар билан бирга, уларнинг ота-оналари ҳам серқатнов бўлиб қолишди. Улар фарзандлари, набиралари билан келиб ўзларини қизиқтирган китобларни олишмоқда.

Албатта, бу интилишдан биз жудаям хурсандмиз. Инсон доимо илму маърифатга муҳтож. Ҳаёт йўлларини зимистон қоллаганда, муаммолар гирдобидан қолганда инсон боласини фақат маърифатгина қутқаради. Маърифат, албатта, китоб мутолаасидан, мутолаа завқидан олинади.

Ш.ОТАЖОНОВА,  
Тошкент шаҳар "Билим" АҚМ мутахассиси



Кутубхона-мизга ўқувчилар билан бирга, уларнинг ота-оналари ҳам серқатнов бўлиб қолишди.

# МАЪНАВИЯТЛИ АСКАР — КУЧЛИ АСКАР

**В**атан. Беш ҳарфдан иборат бу сўз замирида олам-олам маъно муҳасам. Зеро, жон қадар, нон қадар азиз маскан бу. Ота-боболаримиздан мерос бу муқаддас гўшани ҳимоя қилувчилар, асраб-авайловчилар орасида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм)нинг касбига, юртига содиқ алоқачилари ҳам борлиги қисмда фаолият юритаётган ҳар бир офицер, ҳар бир аскар қалбида гурур ва ифтихор ўйготиши рост гап. Бу гўзал туйғулар республикада мустақиллигининг 27 йиллик тўйи арафасида янада кўпроқ жунбушта келаётгани ҳам аини ҳақиқат.

Негаки, бошқармамиз ҳарбийлари зиммаларига юклатилган вазифани тўлиқ адо этган ҳолда тўйни ёруғ юз билан кутиб олишяпти.

Мустақиллик йилларида бошқармамизда деярли барча техника ва технологиялар янги, замонавийларига алмаштирилди. Бугунги кунда мутахассисларимиз Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларидаги оптик толали алоқа кабелларида содир бўлган ҳар қандай даражадаги аварияни бартараф этиш қобилиятига эга. Малакали кадрлар тезкор ҳаракат қилишиб, барча турдаги алоқа линияларини тиклаш бўйича монтаж-таъмирлаш ишларини сифатли бажаришяпти.

Мобил алоқа маркази таркибидagi ҳаракатчан "Жайрон" ва "Тулпор" мажмуавий радиостанцияларимиз УАЗ автомобили негизида барпо этилган бўлиб, ушбу станция республиканинг ўтиш қийин бўлган ҳудудларида эркин ҳаракат қилган ҳолда қутқарув-қидирув ва авария-тиклаш, бўлинмаларни алоқа билан таъминлаш ва таъмирлаш ишларини ағло даражада бажаришга эришяпти.

Бошқармамиз зиммасига республикамизнинг қаерида бўлмасин, фавқулодда вазиятлар содир бўлганда, унинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош вазир — Фуқаро муҳофазаси бошлигининг Ҳаракатдаги бошқарув пунктини ташкиллаштириб, Фавқулодда вазиятлар давлат тизимининг куч ва воситаларини бошқаришда замонавий алоқа воситалари билан таъминлаш (радиотўқинили, симли алоқа, видеоконференц алоқаси, интернет, расм ва файлли ҳужжатларни узатиш ва ҳ.к) вазифаси юклатилган. МАТБ замонавий йўлланмас техника ва алоқа воситалари билан таъминланган бўлиб, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг барча тадбирларида мунтазам иштирок этиб келаётир.

Бошқарма бошлигининг буйруғига биноан ҳафтанинг ҳар жума кунни маънавият кунини деб белгиланган. Бу борала 2018 йил-



нинг 4 августида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори аини муддао бўлди. Ушбу қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида ҳафтанинг ҳар жума кунини "Маънавий юксалиш ва ватанпарварлик кунини" деб эълон қилинди. Бу орқали ушбу йўналишда кўплаб тизимли ишларни амалга ошириш назарда тутилган.

Ҳарбий хизматчиларда мамлакатимизда ҳамда хорижда рўй бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ривожлантириш, улар билан олиб бориладиган гоъвий-мафкуравий ва маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш мақсадида аскар ва офицерларга ҳар ҳафтанинг шанба кунлари тезкор ахборотлар етказилаётгани, ҳарбий хизматчилар ўртасида доимий равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётгани, улар билан яққа тартибда суҳбатлар ўтказилаётгани ўз самарасини берапти. Шунингдек, уларнинг оилавий шароитини ўрганиш мақсадида яшаш манзилларига бориб, турмуш даражаси билан танишпимиз, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этилтириш.

Кутубхонамизга Республика миллий гоъ ва мафкура илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда 405та ижтимоий-сиёсий, тарбиявий ва маънавий-маърифий йўналишдаги китоблар олиб келинди. Бундан ташқари, турли номдаги ва йўналишдаги 400дан ортиқ янги адабиётлар сотиб олинди. Бу, албатта, шахсий таркибининг янги китобларга бўлган эҳтиёжини қондириш ва уларнинг китобга янада яқинроқ бўлишида муҳим аҳамият касб этипти.

Маънавий-маърифий ва маданий ҳордиқ тадбирлари Ёзувчи-

лар уюшмаси, Республика маънавият ва маърифат маркази Тошкент вилояти бўлими, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши ва Зангиота тумани маҳаллий Кенгаши, туман хотин-қизлар қўмитаси, мактаб, маҳалла ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

2018 йил давомида муддатли ҳарбий хизматчилар учун пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига, жумладан "Ҳазрати Имом", "Зангиота" мажмуалари, "Алоқа тарихи", "Темурийлар тарихи", "Ўзбекистон тарихи" ва "Қуролли Кучлар" музейлари ва "Бунёдкор" стадионига экскурсиялар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида бошқармада мустақиллик байрамини "Азиз ва ягонаман, жонажон Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Режада Зангиота тумани ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, туман маънавият ва маърифат маркази ҳамда таълим муассасалари билан ҳамкорликда жойларда ташкил этилаётган байрам тадбирларида бошқарма "Импульс" ансамбли ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги чиқишлари билан иштирок этиши, ҳарбий хизматчилар ўртасида "Азиз ва ягонаман, жонажон Ўзбекистоним!" мавзуйда иншоолар танловини ўтказиш, муддатли ҳарбий хизматчиларга мустақиллик йилларида бунёд этилган пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари ва тарихий ёдгорликларини томоша қилиш учун экскурсиялар, таъниқли саъяткорлар билан учра-

шув ва маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш назарда тутилган.

Ҳарбий хизматчиларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида бир қанча бинолар капитал таъмирдан чиқарилиб, бошқарма худуди ободонлаштирилди.

Жумладан, бошқарма штабининг яроқсиз ҳолга келиб қолган ертўла қисмидаги хоналар таъмирланди. Ҳозирда бу жойлар жанговар шайлиқни ошириш учун тренажёр зали, интернетдан фойдаланиш хонаси, ўқув синфлари ва бошқа керакли хоналарга айлантирилди. Шунингдек, ҳарбийларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлариغا шароит яратилиб, мобил алоқа маркази учун алоҳида бино ажратилди. Ушбу бино капитал таъмирдан чиқарилиб, ҳозирда бу бинода ҳарбий хизматчиларга барча имкониятлар мавжуд.

Инновацион гоълар ва рацонализаторлик ишланмаларини тайёрлаш ҳамда амалиётга жорий этиш учун ўқув устaxonаси очилган.

Бу ишларнинг барчасида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ёрдами катта бўлди. Ҳарбий хизматчиларимиз барча имкониятлардан унумли фойдаланиб, зиммаларига юклатилган вазифаларни тўлиқ адо этишга ҳаракат қилавердилар.

Фурсатдан фойдаланиб, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳасида фаолият юритаётган барча-барчани яқинлаштираётган республикамиз мустақиллигининг 27 йиллик байрами билан табриклайман.

**Шерзод ҚУРАЙШЕВ,**  
бошқарма бошлигининг  
ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбия ва ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари,  
подполковник

“  
Махсус  
авария-  
тиклаш  
бошқармаси  
(15361-ҳарбий  
қисм)да  
ҳафтанинг  
ҳар жума  
куни  
маънавият  
куни этиб  
белгиланган.”

# ЯНГИЛИК

## Интеллектуал салоҳият юксалишига хизмат қилмоқда

**“Ўзбектелеком” АК  
Фаргона филиалида  
19та телекоммуникация  
боғламлари бор.  
АТСлар сони 113та.  
Ҳаммаси электрон АТС  
бўлиб, шундан 50таси  
MSAN русумида.**

Филиалда 2013-2020 йилларга мўлжалланган телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида салмоқли ишлар адо этилди. Жами 124,259 км. масофада оптик толали кабеллар ётқизилди. Вилоятнинг тўртта шаҳрига видеокузатув камералари ўрнатилди. Бунинг учун Қўқон шаҳрига 17,3 км. оптик толали кабел ётқизилди. Шунингдек, Фаргона, Марғилон шаҳарлари, Сўх туманидаги ташкилотларга, жами 14,95 км., “ЎзМобайл” филиали GSM тармоғи база станцияларига 39 км. ОТАЛ тортилиб, 3440 сигимли порт қурилмалари ўрнатилди. Фаргона шаҳар ТБ 225-АТСга 64 порт сигимли, Қўқон шаҳар ТБ 551-АТС ҳамда Тўлабой АТСга, Қувасой шаҳар Ёшлик АТСга 128 порт сигимли, қатор туманлардаги ТБлари АТСларига эса турли сигимли DSLAM қурилмалари, қарийб барча туманлар ТБлар АТСларига эса MSAN қурилмаларини ўз вақтида, сифатли ўрнатишга муваффақ бўлинди. Кенг полосали хизматлар ҳақида гап кетганда, шунини айтиш зарурки, қатор кишлоқлар аҳолисининг талаблари ўрганилиб, режа асосида иш қўрилмоқда. 2017-2018 йилларда туманлардаги Миндонобод, Мирфозил, Пакана, Қулбобо каби жами 13та кишлоқ АТСларига ҳам miniMSAN қурилмалари жойлаштирилди. Ўтган ярим йилнинг ўзига 872 порт сигимли MSAN ва DSLAM қурилмалари ўрнатилгани ҳам филиалда мўлжалдаги ишлар изчиллик кетаётганидан далолат.

Вилоят ҳудудига магистрал телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш ва модернизация қилиш ишлари натижасида магистрал тармоқларнинг ўтказувчанлиги 1 Гбит/с.дан 10 Гбит/с.гача оширилди. Шу йилнинг 31 июл ҳолатига интернетдан фойдаланувчилар сони 21235 нафарга етди. Шундан жисмоний шахслар 17692, юридик шахслар 3543 нафарни ташкил этмоқда.

Шу йилнинг олти ойида шаҳар ва туманларда 75,9 км., “ЎзМобайл” база станцияларига эса 11,3 км. оптик толали кабеллар ётқизиш ишлари режаси ҳам



ўз муддатларида бажарилди.

Филиалда FTТb – оптик толали алоқа линияларини кўп қаватли уйлارгача олиб бориш технологияси жорий этиш муваффақият билан давом эттирилмоқда. Ўтган йил давомида шаҳар ва туманларда 63та 1512 портга тенг Switch қурилмалари ўрнатилганлиги аҳолининг интернет, IPTVга улашиш имкониятларини кенгайтди. 36та 864 портли Switch ўрнатилиб, 36та кўп қаватли уйда яшовчилар, бир қанча корхона ва ташкилотлар мазкур хизматлардан баҳраманд бўлмоқда.

Филиалда янги лойиҳалардан бири – Фаргона тумани Миндонобод массивига Iskratel компанияси томонидан, Илгор массивига эса Nokia компанияси томонидан актив қурилмалар ўрнатиш бўйича шартномалар имзо-

Мехнати қанчалар машаққатли бўлмасин, ишимиздан ўзига хос маънавий хузуур топамиз, халқимиз интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга ўз улушимизни қўшаётганимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

ланганлигидир. Ушбу GPON – телекоммуникация технологиясида оптик тола хондонгача кириб боради ва хизматлар сони ҳам, сифати ҳам, тезлиги ҳам яхшиланади. Хуллас, янгилик шарофатидан туман аҳолиси интеллектуал салоҳияти юксалиб боради, деб ишонамиз. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, одамлар ҳаётдан бутун рози бўлиб яшашлари керак.

Жамоа яна 94 км. оптик толали алоқа линияларини қуриш, виллоятда кенг полосали тармоқларини 4352 портга, FTТb технологияси тармоқларини 936 портга кенгайтириш ниятида. “ЎзМобайл” филиали CDMA ва GSM стандартидаги база станцияларига 42 километрлик ОТАЛ ташкил этилади. Бунёдкорлик ишларида олдинда бораётганлар сафида филиал бўлимларидан Миржаҳон Эшимов, Расулжон Усмонов, Жаҳонгир Турсунов, Раҳманбек Парпиев, Аҳлиддин Далажонов, Ботиржон Урайимов, Гулнозаҳон Жўраева, Олтиариқ, Бешариқ, Бувайда ТБлар бошлиқлари Бунёдкор Розиков, Баҳолир Маматқулов, Қурбонали Мирзақосимов кабиларнинг меҳнатлари алоҳида эътироф этилади. Азаматлар зиммаларидаги вазифаларни виждонан адо этишиб, олқиш олишмоқда. Рақамли дунёни янада ривожлантиришга бел боғлаганлар ўз меҳнатлари маҳсулидан мамнун.

– Бўлмасамчи, – дейди филиал техник директори Рамзбек Султонов, – рақамли кўникмаларни оммавий равишда шакллантириш асосий вазифаларимиздан. Техник қўллаб-қувватлаш ва янги техникаларни тестдан ўтказиш хизмати бошлиғи, “Моҳир алоқачи” унвони соҳиби Энвер Аджигелиев, маълумотларни

узатиш тармоқларини бошқариш бўлими бошлиғи Акмалжон Миллажоновларнинг билим-тажрибалари шошилиш вазиятларида айниқса асқотди. Уларнинг шоғирлари Ҳасанбой Каримов, Юнус Курамамов, Шоҳрух Қозихонов, Хусан Мирзабоев, Сервер Насриддинов, Иқбол Сиддиқов, Рустамжон Шамсутдинов, Мустафо Қаҳрамонов, Александр Маркосян кабилар ҳам ана шундай изланувчан, ишлаб чарчамайдиган муҳандисларимиздан. Уларнинг касбий маҳоратлари 1 август кунига 5та ҳудуддаги 9та залда видеокамераларини ҳамда ота-оналар кузатиш ўтиришлари учун мониторларини ўз вақтида тайёр ҳолга келтиришда, сифатли ишларида яна бир марта яққол намоён бўлди. Бунақа Фаргона тонг отгунча тунлар ҳаётимизда кўп бўлади. Кўникиб кетганмиз. Меҳнати қанчалар машаққатли бўлмасин, ишимиздан ўзига хос маънавий хузуур топамиз, халқимиз интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга ўз улушимизни қўшаётганимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Албатта, филиал фаолиятида муаммоларга ҳам дуч келмоқда. Телекоммуникация қурилушидан абонентгача бўлган алоқа кабеллари, тарқатиш қўтиллари маънан эскирганлиги сабабли интернет қамровига улашиш қамровини кенгайтириш имкониятлари чекланганлиги бошқа кўплаб муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу муаммоларни босқичма-босқич бартараф этиш мақсадида линия-кабел ҳўжалигини янгилаб бориш эҳтиёжи долзарб бўлиб турибди.

**Ҳафиза САЛЯҲОВА,  
“Хабар”нинг Фаргона  
виллоятидаги муҳбири**

## 10 КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАЁТИ



## касаба уюшма аъзолари учун нимаси билан ёдда қоладиган бўлди?

Кунни кеча Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда касаба уюшмаси кўмиталари томонидан ўтган олти ойда амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди, эришилган ютуқлар эътироф этилиб, айрим муаммолар сабаблари рўйи-рост айтиildi ва бундай камчиликларнинг олдини олиш юзасидан тегишли чоралар белгилаиб, мутасадиларга топшириқлар берилди. Танқидий таҳлилий руҳда ўтган йиғилишнинг Республика кенгаши раиси А.Ишанходжаев бошқарди ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши иш режасига асосан Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши фаолиятини комплекс ўрганиш натижалари, Республика кенгаши фаолиятининг олти ой якунлари ҳамда "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот берди.

Ҳисобот даврида 50дан зиёд нодавлат секторида фаолият юритаётган ташкилотларни касаба уюшмасига жалб этиш борасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиб, 10та касаба уюшмаси ташкилоти тузилди ҳамда жами 148 нафар ходим касаба уюшмаси аъзоллигига жалб этилди. 2018—2020 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан Тармоқ келишуви ҳамда "Ўзбекистон почтаси" АЖ билан Тариф келишуви лойиҳалари ўрнатилган тартибда кўриб чиқилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида рўйхатдан ўтказилди.

Фаол тadbirkorлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили давлат дастури да белгиланган тadbirlar ижросини таъминлашга ўтган олти ой давомида жами 944 млн. 883 минг сўм, шундан иш берувчилар ҳисобидан 833 млн. 908 минг сўм, касаба уюшмаси бюджетидан 110 млн. 975 минг сўм маблағ сарфланди.

Ҳисобот даврида жами 72та

— 19таси ёзма ва интерактив хизмат, 27таси оғзаки (шахсий қабул) ва 26таси "Ишонч телефони" орқали тушган мурожаатлар белгиланган тартибда кўриб чиқилди.

Соҳа корхона, ташкилот ва муассасалари жамоа шартномаларининг меҳнат муҳофазаси бўйича икки томонлама тузилган битимларида жами 1036та чора-тадбирни амалга оширишга 2 млрд. 200 млн. сўм режалаштирилган эди. Амалда 2018 йилнинг олти ойи мобайнида жами 3 млрд. 857 млн. сўм маблағ сарфланди.

"Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 2018 йилда ёшларга оид сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар дастури" ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд шаҳрида Республика кенгаши Ёшлар бирлашмасининг таъсис конференцияси ўтказилди.

Соҳа корхоналари билан ҳамкорликда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида "Бўш иш ўринлари ярмаркаси" ташкил этилди.

Республика кенгашининг Ёшлар бирлашмаси томонидан ТАТУда "Энг намунали талабалар тураржойи" танлови ўтказилиб, голиблар махсус совғалар билан рағбатлантирилди.

Касаба уюшмаси масъул ходимларидан иборат делегация Россия Федерациясининг Санкт-

Петербургда ўтказилган "Ёш алоқа ходимларининг Халқаро касаба уюшмалари форуми"да иштирок этди. Делегация томонидан Санкт-Петербургда давлат телекоммуникация университетида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талаба ва магистрлар билан очиқ мулоқот тарзида давра суҳбати ўтказилди.

Ўтган даврда Республика кенгаши ўзаро ҳамкорлик бўйича Россия алоқа ходимлари касаба уюшмаси билан меморандум, Беларусь алоқа ходимлари касаба уюшмаси билан шартнома, Тожикистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси ҳамда Қозғистон ахборот, алоқа ва телекоммуникация соҳаси ходимлари касаба уюшмаси жамоат бирлашмаси билан келишувлар имзолади.

"Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил" ички туризмни ривожлантириш дастури доирасида жорий йилнинг июл ойига қалар тизимдаги бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари иш берувчилар билан ҳамкорликда ишчи-ходимлар, уларнинг оила аъзолари, меҳнат фахрийлари, эҳтиёжман оилалар вакилларини Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Марғилон, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши каби тарихий шаҳарларга ҳамда ўз ҳудудларидаги диққатга сазовор қадимжоларга саёҳатларини уюштирди.

Албатта, бу касаба уюшма ташкилотларининг ютуқларидан бир шингил, холос. Энди йўл кўйилган айрим камчиликлар ҳусусида ҳам сўз юритсак. "Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик" мавзусидаги Форумда қабул қилинган дастурнинг жойлардаги тарғиботи деярли ташкил этилмаган. Меҳнат қончилиги талабларининг бузилиши, уларни бартараф этиш учун иш берувчиларга касаба уюшмалари томонидан тақдимномалар киритиш билан аъзоларга нисбатан қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олиш ва ҳуқуқларини тиклаш борасидаги ишлар талаб даражасида олиб борилмаган. Меҳнат низолари комиссияси фаолияти аксарият бошланғич ташкилотларда старли даражада йўлга қўйилмаган. Дастлабки маълумотларга кўра, жорий йилнинг 1 июл ҳолатига 360,0 млн. сўм касаба уюшма аъзолик бадалларидан қарздорлик мавжуд. "Ўзбекистон почтаси" АЖ Андижон ва Жиззах филиаллари, Ўзбекистон матбуот ва ахборот

агентлиги ҳамда унинг тизимидаги "Ўқитувчи" ва Миллий энциклопедия нашриёт уйлари, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари касаба уюшмаси кўмиталари томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботлар белгиланган шакл ва муддатларда тақдим этилмаган.

Жиззах вилояти алоқа корхоналарида 2017 йил ва 2018 йилнинг апрел ойига қалар янги ишга қабул қилинган 15дан зиёд ходимнинг касаба уюшма аъзоллигига қабул қилиш бўйича аризаси ва қарорлар расмийлаштирилмаган. "Ўзбектелеком" АК ҳамда "Ўзбекистон почтаси" АЖ Андижон филиаллари бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларида маълумотлар базаси (ташкilot паспорти) тўлиқ шакллантирилмаган.

"Ўзбектелеком" АК Андижон филиалида меҳнат муҳофазасини ташкил этиш ишларида қатор камчиликлар мавжуд.

Жиззах ва Андижон вилоятлари алоқа корхоналари маъмуриятлари ҳамда бошланғич ташкilotлари томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда қонунийликни таъминлаш асосида ижтимоий-меҳнат соҳасига оид қонуналар ижро этилиши устидан касаба уюшмаларининг жамоат назоратини шакллантириш ишларида хато ва камчиликларга йўл қўйилган.

Видеоселектор тизимида ўтказилган Раёсат йиғилишида ҳар бир вилоят касаба уюшма ташкilotлари кураторлари билан мулоқот ўтказилиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Йиғилишда Республика кенгашининг бошқа масалалари ҳам атрофлича кўриб чиқилди ва бу борада тегишли қарорлар қабул қилинди. Шунингдек, Республика кенгашининг иккинчи ярим йиллиги учун мўлжалланган иш режаси, кенгаш аппаратида ва касаба уюшмаси бошланғич ташкilotларида иш юритиш бўйича йўриқномаси (янги тахир), Раёсатнинг 2018 йил 30 апрелидан 2018 йил 16 августигача бўлган муддатда қабул қилган қарорлари тасдиқланди.

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ

Мухадди СОЛИБЕВ олган суратлар

“  
**Ҳозирги кунда Республика кенгаши таркибида 211та бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти бўлиб, жами аъзолар сони 63386 нафарни, шундан 30 минг нафарини ёшлар, 20 мингдан зиёдини хотин-қизлар ташкил этади.**

Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож **1595** нафар ходимга жами **227** млн. **145** минг сўм, шундан **67** млн. **218** минг сўм касаба уюшмаси бюджетидан, моддий ёрдам кўрсатилди.



ЭДВИН ДИНДЕР:

# "АҚЛЛИ ШАҲАР"

## АҚЛЛИ ОДАМЛАРДАН БОШЛАНАДИ

**ЭДВИН ДИНДЕР** — Huawei Technologies компаниясининг вице-президенти, хавфсиз шаҳарларни "ақлли шаҳарлар" (First Safe Then Smart)га айлантириш концепцияси муаллифи. Бир сўз билан айтганда, "ақлли" ва хавфсиз шаҳарлар иқтисодидеги, электрон ҳукумат, катта маълумотлар билан ишлаш, рақамли шаклантириш бўйича замонамизнинг энг кучли мутахассисларидан бири.

Moscow Urban Forum конгресси чоғи "Хайтек" портали (Россия) Диндерни суҳбатга тортди. "Ақлли шаҳар" ўзи нима?", "У қандай қурилади?", "Маълумотлардан қандай фойдаланамиз?"... Соҳанинг кўзга кўринган вакили шу мазмундаги саволларга жавоб берди.

— "Ақлли шаҳар"ларда маълумотлар қандай ишланади ва сақланади?

— Оддий шаҳарларда маълумотларни қандай ишлаймиз-у, қандай сақлаймиз? Компаниялар ва ҳукуматлар-чи? Маълумот — ҳамма жойда ҳам маълумот. Уни йиғиш, архивлаш, таҳлиллаш, тақсимлаш "ақлли шаҳар"да, "ақлли банк" ёки "ақлли касалхона"дагидан деярли фарқ қилмайди. Албатта, "ақлли шаҳар" банк ёки университет эмас. Аслида "ақлли шаҳар" — ҳеч нарса.

"Ақлли шаҳар" — қўшилган қиймат бўйича шаҳарларнинг юқорига тезроқ ва самаралироқ интилишига имкон берувчи дастурлар ва ташаббусларни интеграциялаш мумкин бўлган платформа, абстракт тизим.

Борлиқдаги нарсалардан қай бирини "ақлли шаҳар" десак бўлади — ҳеч ким аниқ айта олмайди. Шунинг учун ҳам ҳар лаҳзада ўтаётган маълумотлар ҳажмини баҳолаш жуда қийин масала. Буларнинг ҳаммаси турли хўжалик субъектлари — департаментлар, бўлинмалар, агентликлар бошқарувидаги кўплаб тизимлар ва сервисларни туташтирган муайян қоидалар бўйича ишлайди. Бироқ "ақлли шаҳар" учун умумий жамланма қоиданинг ўзи йўқ. Борларини эса бу ғояга мос келади, деб айтолмайман.

— Ҳўш, унда нима қилиш керак?

— Биз ўзимиз "ақлли шаҳар" деб атамоқчи бўлган нарсага ёрликни ёпиштиришдан олдин каллани яхшилаб ишлатиш керак. Агар олдинга интилсак, тизим ва сервислар билан ишлайверсак секин-аста бу тушунчага ҳам етиб борамиз. Ҳозир биз айтётган маълумотларнинг кўпи янги эмас. Ҳаммаси йиғиб, ишлаб бўлинган. Гап ана шу маълумотларни ҳар хил идоралар билан қандай алмашиниш ва қандай ишлатишда.

Техник жиҳатдан бизда файервол — рўйхатдан ўтмаган фойдаланувчиларни элақдан ўтказувчи аутентификациялаш механизми бор. Бизда таҳдидларнинг олдини олувчи тизим бор, у рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар қоидаларга риоя қилаётгани ёки аксини аниқлайди. Бугун турли ҳужумлар, вируслар, товламачиликларни технологиялар аниқлаб, йўқ қилиш имконига эга. Қонунни бузган одамларни жавобгарликка тортиш мумкин.

— "Ақлли шаҳар" қуриш жараёнида сизнинг (компания) ўрнингиз қандай?

— Биз бошқалар каби қийматни белгиловчи занжирнинг бир бўғинимиз, холос. Хавфсизликнинг асосий компоненти — одамлар. Улар — энг заиф бўғин. "Ақлли шаҳар" муҳитида яшовчилар-

ча қурилган. У очиқ интер-фейсни ҳам кўзда тутди.

— **Хавфсизлик масаласида миллий менталитетга қандай баҳо берасиз?**

— Назаримда бу масалада россиялик бўладими, бошқа юрт фуқаросими — ҳеч қандай тафовут йўқ. Бугун дунёда деярли ҳаммада компютер, смартфон бор, ҳар ким ўз "рақамли изи"ни қолдирапти.

Ҳаммамиз хавфсизлик деганда Facebook, Instagram, Snapchat ёки Twitterни ўйлаймиз. Бироқ ўзимиз бирон ерда, масалан, савдо марказларида бепул Wi-Fiга дуч келсак, ҳеч иккиланмасдан унга уланиб олиб фойдаланиб қолишга интиламиз. Мана, муаммо қердан бошланади. Бу муаммо ҳеч қайси мамлакатга бегона эмас.

Ҳукуматлар бунини ўйлаши керак, қоидалар ва йўл-йўриқларни ишлаб чиқиши зарур. Бепул Wi-Fiга уланишдан олдин дўстона огоҳлантирадиган механизм бўлиши шарт: "Сиз чиндан ҳам уланмоқчимисиз, бу, яна бу шартларга розимисиз" қабилидаги. Ҳатто сиз "вай-фай"ни ўчирсангиз ўзи қайта ёниб қолиши мумкин, чунки сиз унутганингиз билан тизим сизни эслаб қолади....

Ҳукуматлар, масалан, шахсий тиббий маълумотларни смартфонда сақлашни тақиқлаш тўғрисида қонун чиқариши мумкин. Ҳатто сиз ижтимоий сугурта рақамингиз билан, конфиденциал тарзда, VPN орқали кирган тақдирингизда ҳам, барча маълумотлар шифрланади, сеанс тугаши билан улар ўчириб юборилади. Қоидани ҳукумат белгилайди, хусусий сектор эса унга амал қилади. Одамлар, уларнинг менталитети бу ерда ҳеч қанақа рол ўйнамайди.

**"Фойдаланувчининг хавфсизлиги билан давлат шугулланиши керак. "Ақлли шаҳар" ақлли инсонлар ҳисобига қурилади, ундан кейин навбат технологияларга".**

Эдвин Диндер

**"Ақлли шаҳар"**  
— қўшилган қиймат бўйича шаҳарларнинг юқорига тезроқ ва самаралироқ интилишига имкон берувчи дастурлар ва ташаббусларни интеграциялаш мумкин бўлган платформа, абстракт тизим.


нинг савияси хавфсизлик масаласида жуда юқори бўлиши шарт. Бу масалада хабардорлик даражасини ошириш зарур. Қандай маълумотларни алмашишяпти, тармоққа жойлаштирилган нарсаларини қандай назорат қилишяпти — бунини одамлар тушуниб олишлари керак. Кейинги бўғин — назоратни тақдим этувчи тизим ва хизматлар.

Тизимлар вазифасини, эҳтимол, хизматларни тақдим этувчилар — сизга (ёки ташкилотингизга) смартфон, амалий тизим ва ҳоказо технологик ашёларни сотувчилар бажаради. "Дизайн даражасидаги хавфсизлик" деганлари шу, яъни ҳаммаси хавфсизлик стандартлари бўйи-





## ГЛОБАЛЛАШУВ



### ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ ДУНЁДАГИ ЭНГ БАХТЛИ МАМЛАКАТЛАРГА РАХНА СОЛМОҚДА

Осиёнинг унчалик катта бўлмаган мамлакатига телевидение ва ижтимоий тармоқлар кириб келмоқда, буларнинг барчаси маҳаллий аҳолининг аввалгидек бахтли ҳаёт кечирishiга раҳна солипти, деб ёзмоқда Terabayt.uz.

Баланд тоғлар бағрида жойлашган Бутан мамлакатини “Ер юзидаги энг бахтли давлат” деб тез-тез тилга олинади. Маҳаллий ҳокимият иқтисодий ривожлантиришга ҳаракат қилмайди, аммо миллий бахтнинг ялпи кўрсаткичини жорий қилган. Қадимий ҳаёт тарзи бутанликларнинг маънавий соғломлиги гарови ҳисобланади. Аммо тобора жадал суръатлар билан кириб келаётган замонавий технологиялар бундай бахт кўрсаткичларига ҳадемай нуқта қўйиши мумкин.

БМТнинг сўнгги ҳисоботида айтилишича, Бутан бахтлилик даражаси бўйича дунёнинг 156 давлати орасида атиги 97-ўринни эгаллаган. Ҳукумат бунинг учун ижтимоий тармоқларни ва телевидениени айбламоқда. Бошқа ривожланган мамлакатлардаги ҳаётни кузата туриб, бутанликлар ҳам қишлоқлардан шаҳарга келиб яшашни, яхшироқ маош берадиган иш топишни исташмоқда, ҳатто яхши яшаш илминда мамлакатни тарк этиш истагида бўлганлар сафи ҳам тобора кенгаймоқда.

Бутанликларнинг аксарият қисми ҳамон ўзларини бахтли инсонлар деб ҳисоблайди. Сўнгги ўтказилган сўров натижаларига қаралдиган бўлса, аҳолининг 90 фоизи ўзларини бахтли деб билишганини кўриш мумкин. Тўғри, “бахтлилик даражаси” аста-секин пасайиб бормоқда. Ҳозир бутанликлар орасида ўзини “фавқуллодда” ёки “ўта бахтлиман”, дейдиганлар жами аҳолининг ярмидан озини ташкил этади.

## БОЗОР

### МИНГ ДОЛЛАРЛИК IPHONE X PLUS БОЗОРГА САЛБИЙ ТАЪСИР ҚИЛИШИ МУМКИН

CCS Insight компанияси мутахассислари 2018 йил куз фаслида сотувга чиқадиган iPhone X Plus, агарда қўлмақд бўлиб кетса, дунё смартфонлар бозоридаги нарх-навога салбий таъсир кўрсатади деб ҳисоблашмоқда.

— Apple компанияси iPhone X учун 1000 доллар нарх қўйиб бутун соҳага “ҳиммат” кўрсатди. Янги нархнинг шакллантирилиши бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг қўлини боғлаб қўйгани учун улар ҳам ўз қўрилмалари нархини сунъий равишда оширишни бошлашди, — дейди CCS Insight таҳлилчиси Бен Вуд.

Apple компанияси смартфоннинг қимматлашувига ҳарajatлар ошгани, хусусан, қўрилманинг сифати яхшиланигани, қиммат бутловчи қисмлар ўрнатилганини ваҳ қиляпти. Бироқ экспертларнинг фикрича, бу шунчаки чўпчак, агар қўрилма нархи бутловчи қисмлар таннархига мос равишда ўсганида бунчалик катта сакраш бўлмасди.



## ХАВФСИЗЛИК

### ХАКЕРЛАР КОМПЮТЕРНИ ФАКС ОРҚАЛИ БУЗИШДИ

Check Point тадқиқотчилари факсимил алоқани қўлловчи кўп функцияли қўрилмаларда критик хатони топишди. Hightech.fin ёзишича, агарда хакерлар буни билиб қолишганида ана шундай қўрилмага уланган компютерни бемаъл ўз тизинларига солиб олишган бўларди.

Албатта, эътироз бўлиши мумкин — факслар бугун кам ишлатилади. Тўғри, аммо айрим кўп функцияли қўрилмалар билан шуғулланувчи компаниялар принтер ва сканерни “ёлғизлатиб” қўймастик учун факсни ҳам қўшиб чиқаришяпти. Бу қўрилмалар интернетга уланади, бироқ ҳимоя тизими йўқ ҳисоби.

Check Point компютер усталари JPEG-файллар кутубхонаси орқали HP Officejet Pro



6830 қўрилмасини буза олишди. Бузилган компютер тармоқ орқали бошқа қўрилмаларга вирус улаша олади. Бу жараёнда мутахассислар машҳур WannaCry вирусидан ишчи материал сифатида фойдаланишди.

## САЛОМАТЛИК

### КЎЗИНГИЗНИНГ ТЎР ПАРДАСИНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ!

АҚШнинг Огайо штатидаги Толедо университети олимлари мобил телефонлардан қоронғулукда кўп фойдаланмасликни тавсия қилишяпти.



Мобил телефонлардаги мовий нур кўзнинг тўр пардасига жиддий тарзда шикаст етказар экан. Бу, айниқса, қоронғулукда телефондан фойдаланишда юзга чиқар экан.

Авал олиб борилган тадқиқотларда мобил телефонлардаги мовий нур уйқу меъерини бузиши аниқланган эди.

Мутахассислар уйқудан олдин мобил телефонлардан фойдаланмасликни тавсия қилишяпти.

## АНТИРЕЙТИНГ

### ЭНГ ҲИМОЯСИЗ СМАРТФОНЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Экспертлар хакерлардан энг ёмон ҳимояланган смартфонларни аниқлашди. Ушбу қўрилмалар эгалари конфиденциал маълумотларини йўқотиш хавфи остиди.

Хатоликлар LG G6, Sony Xperia L1, Nokia 6 ва ASUS ZenFone 3 Max моделларида аниқланди. Шунингдек, унчалик номдор бўлмаган Plum, SKY, Vivo, Orbic, MXQ, Leagoo, Coolpad, Oppo ва Doogee брендларида ҳам камчиликлар кузатилди.

The Bleeping Computer нашри ёзишича, бузғунчилар ушбу қўрилмаларга улаиб хоҳлаганларича SMS хабарлар жўнатишлари, зарарли дастурларни ўрнатиб қўйишлари мумкин.



## СМАРТФОНЛАР

### SAMSUNG ЭНГ АРЗОН СМАРТФОННИ ЧИҚАРАПТИ

Жанубий Кореянинг Samsung компанияси энг арзон смартфонини чиқаряпти, унда Wi-Fi, Bluetooth ва 4G LTE ҳам бор.

“Яшил роботчали” амалий тизим бошқаруви остиди ишловчи мобил қўрилмалар саноати ва бозорида Samsung тенгсиз эканини биламиз. Аммо унинг илгор хусусиятларга эга смартфонлари бошқа компанияларнинг шундай моделларига нисбатан анча қиммат туради.

Аммо жанубий корейлик техногигант яқин орада ўзининг энг ҳамёнбоп смартфонини тақдим этмоқчи. Бу — Galaxy J2 Core.

Ушбу смартфон Android Go амалий тизими бошқаруви остиди ишлайди. Корпусининг орқа қопқоғи очилади, унинг аккумуляторини алмаштириш имкони мавжуд. Смартфонда иккита SIM-карта учун уяча ҳамда хотира картаси учун жой қўзда тutilган.

Galaxy J2 Core модели Samsungнинг айни дамда бозорга тақдим этаётган смартфонлари орасида энг арзони бўлиб, унинг нархи 100 долларга ҳам етмайди.



С.ТЕМИРОВ тайёрлади



### АФГОНИСТОН ШИМОЛИДА 44 НАФАР ҲАРБИЙ ҲАЛОК БЎЛДИ

Толибон кучлари Афғонистоннинг шимолий Боғлон вилоятига уюштирган ҳужум оқибатида 44 нафар аскар ва полициячи ҳалок бўлди. Бу ҳақда Reuters маълум қилди.

Жангарилар ҳарбий назорат-ўтказиш пунктига ҳужум қилгани билдирилмоқда. Ҳалок бўлганларнинг 35 нафари аскар, 9 нафари полициячи эди.

### БУДАПЕШТ АЭРОПОРТИДА РАДИОАКТИВ ХАВФ ПАЙДО БЎЛДИ



Zoom.hu нашри ёзишича, Венгрия пойтахтидаги халқаро аэропортда радиоактив хавф пайдо бўлди.

Ҳодиса Turkish Airlinesга қарашли самолёт билан рўй берди: унинг бортидаги контейнердан иридий-192 радиоактив моддаси тўкилиб кетган. Бу

хавфли моддага текканлиги гумон қилинган уч киши текширувлан ўтказилди.

Воқеа жойи — терминал маъмурият томонидан ўраб қўйилди, махсус текширувдан сўнг яна ишга туширилди.

### РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА МАҲАЛЛИЙ ВАЛЮТАЛАР АРЗОНЛАШМОҚДА

Бутун дунё бўйлаб ривожланаётган мамлакатларда — Хитой юанидан тортиб, Аргентина песосигача арзонлашмоқда, деб ёзади Meduza.

Август ойига келиб силлиқ пасайиш кескин қулашга ўтди. Масалан, турк лираси бир

кунда 18 фоизга (бир йилда — 45 фоизга) тушди. Бу ҳам Туркия иқтисодиётидаги камчиликларга, ҳам Туркиянинг АҚШ билан низосига алоқадор.

Сармоядорлар Доналд Трамп бошқа мамлакатлар билан музокараларни қанчалик қаттиқ олиб бораётганини кўриб, маҳаллий валюталарни сотмоқда. Буларнинг барчаси эса ҳатто АҚШ билан жанжаллашмаган Индонезия, Аргентина, Жанубий Африка, Ҳиндистон ва бошқа ривожланаётган мамлакатлар валюталарининг пасайишига олиб келяпти (инвесторлар ҳадиксираб, хатарли активлардан қочмоқда).



### ДУНЁНИНГ ЯШАШ ЭНГ ҚУЛАЙ ШАҲАРЛАРИ РЕЙТИНГИ ТУЗИЛДИ

Буюк Британиянинг The Economist журнали Global Liveability Ranking 2018 — дунёнинг яшаш энг қулай бўлган шаҳарлари рейтингини эълон қилди. Рейтинги соғлиқни сақлаш даражаси, маданий ривожланиш, атроф-муҳит тозаллиги, таълим, инфратузилманинг ривожланиш даражаси каби қатор кўрсаткичларга асосланган.

Яшаш учун энг қулай шаҳар — Австрия пойтахти Вена. Кейинги ўринларда Австралиянинг Мелбурн, Япониянинг Осака шаҳарлари жойлашди.

Рейтингнинг биринчи ўнлигига, шунингдек, Калгари (Канада), Сидней (Австралия), Ванкувер (Канада), Токио (Япония), Торонто (Канада), Копенгаген (Дания) ва Аделаида (Австралия) кирди.

Яшаш учун энг номақбул шаҳар, The Economist талқини бўйича, Суриянинг Дамашқ шаҳри бўлди.



### ХИТОЙДА ТУҒИЛИШНИ ЧЕКЛАШ ОЛИБ ТАШЛАНДИ

Дунё бўйича энг кўп нуфусга эга Хитойда туғилишни чеклаш бўйича анча йиллардан бери давом этиб келаётган тақиққа чек қўйилди. Бу ҳақда Hurriyet хабар бермоқда.

Уч йил аввал “бир оилага бир бола” сиёсатидан воз кечиб, икки нафар фарзанд кўришга рухсат берган Хитой ҳукумати эндиликда аҳоли сонининг камайиши мамлакат иқтисодиётига зарар етказишини инобатга олиб, бола туғилишини кўпайтириш таклифи билан чиқди.



### ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ВА ШИМОЛИЙ КОРЕЯ ЙЎЛЛАРИНИ ТУТАШТИРАДИ

Жанубий Корёя ва Шимолий Корёя темир ва автомобиль йўллари йил охиригача бирлаштиришни режалаштирмоқда.

Бундан ташқари, Жанубий Корёя президенти Мун Чжэ Иннинг маълум қилишича, кескинлик йўқоладиган бўлса, икки Корёя чегараолди туманларида бирлашган махсус иқтисодий зонани ҳам ташкил этиш мумкин.

Унинг сўзларига кўра, бу кўплаб иш ўринлари яратиш ва минтақанинг ривожланиши учун имконият беради. Шунингдек, ўрта ва кичик корхоналарга ҳам ёрдам бўлади.



### ТРАМП АҚШНИНГ 2019 ЙИЛГИ МУДОФАА БЮДЖЕТИНИ ИМЗОЛАДИ

Доналд Трамп ўз мамлакатининг 2019 йилги 716 млрд. долларлик мудофаа бюджетини тасдиқлади. “РИА Новости” хабар беришича, янги бюджет қиймати 2018 йилгисидан уч фоизга ёки 20 млрд. долларга кўп.

Лойиҳа конгресснинг ҳар икки палатаси томонидан тасдиқланган. Ҳужжатда деярли барча турдаги ҳарбий қисмларни, жумладан, стратегик кучларни замонавийлаштиришга катта эътибор қаратилган.

Ҳарбийлар умумий сони 15,6 минг кишига кўпайтирилади. АҚШ мудофааси шахсий таркиби қуйидагича тақсимотга эга: қуруқлик қўшинларида — 487,5 минг, ҳарбий-денгиз кучларида — 335,4 минг, денгиз пилдалари корпусида — 186,1 минг, ҳарбий-ҳаво кучларида — 329,1 минг киши хизмат қилмоқда.

### ГЕНУЯДА 45 МЕТР БАЛАНДЛИКДАГИ КЎПРИК ҚУЛАБ ТУШДИ

Италия шимолидаги Генуя шаҳридан ўтган А10 автомагистрали кўприги 14 август куни қулаб тушди.

Шаҳар тез тиббий ёрдам хизмати раҳбарининг сўзларига кўра, ҳодиса оқибатида ўнлаб одамлар ҳалок бўлган — қурбонларнинг бир қисми кўприкда, бир қисми эса унинг остида эди.



Автомобил ҳаракати тўлиқ тўхтаб қолган. Кўприкка олиб чиқувчи тоннелларда автомобиллар тикқини пайдо бўлган.

Гувоҳларнинг айтишича, кўприк қулашига чақмоқ уриши сабаб бўлган бўлиши мумкин. Шунингдек, ҳалокатнинг эҳтимолий сабабларидан бири сифатида кўприк конструкциясининг чўккани ҳам айтилмоқда.

Саҳифани С.АҲАДОВ тайёрлади

(Охири. Бошланиши ўтган сонларда.)

Боб Ферфилд жилмайди. Унинг мақтангиси келди.

— Мен кўрқмайман. Менинг ҳеч ким очолмайдиган сейфим бор. Тошларимни доимо сейфга солиб қўяман. Шунинг учун кўрқмайман.

Қиз шу заҳоти сумкасидан марваридни чиқарди.

— Мумкин бўлса... икки соатга... шу...

Боб марваридга қўл чўзди. У марвариднинг жудаём қимматбаҳо эканлигини бир қарашдаёқ билди.

— Майли, — деди у.

У сейфни очиб, бриллиантлар солинган қутичани олди ва қутичага марваридни солди.

— Сизга ёрдам бераётганимдан хурсандман, Делано хоним. Қизиқ, сиз билан илгари ҳеч учрашмаган эканмиз. Сиз ҳақингизда котибамга бир буюртма учун бриллиант сўрамоқчи бўлиб хат ёзиб берганимда ўйлагандим. Сиз Сизтла анчадан бери ишлайсиз-а? Котибам сиз билан таниш эканлигини айтганди.

— Уч ярим йилдан буён ишлайман, — бош ирғади қиз. — Кечирасиз, марваридни бир дақиқага олсам майлими? Унинг битта сими сал қийшайиб қолгани ёлдан чиқибди. Тўғрилаб қўймасам, харидор олмай қўяди.

Боб унга қутичани берди ва қизни диққат билан кузатиб турди. Қиз қутичани стол устига қўйиб, ичидан марваридни олди ва симини эпчиллик билан тўғрилаб қўйди. Сўнг марваридни бирпас томоша қилди ва қутича ичига назар ташлади.

— О, Уитни бриллиантлари! — хитоб қилди у ва бриллиантларни томоша қила бошлади.

У бриллиантларни яхшироқ кўриш учун қўлига қутича билан дераза олди келди ва ҳатто бир нечасини қўлига олиб нурга тутиб кўрди. У бриллиантларни қутичага солиши билан телефон жиринглаб қолди. Ферфилд гушакни олиб бир неча сония жим қулоқ солиб турди.

— Мен Симмзни кўришни истайман, — деди у бақириб ва гушакни қўйиб қўйди. — Қаранг-а, ўғри Симмз мен билан муҳим масала юзасидан гаплашмоқчи эмиш.

Қиз баралла қулди. Бобга унинг кулгиси жудаям ёқди.

— Бўпти, мен кетдим.

Тушдан кейин келиб марваридимни олиб кетаман. Сизга катта раҳмат.

Қиз Бобга қўлини узатди. У қизнинг қўлини сиқар экан, унинг кўзларига қаради.

Қизнинг кўзларидаги хавотир ўрнини миннатдорлик ва ҳайрат эгаллаганди.

— Сиз жудаям ақллисиз, — деди қиз юзлари қизариб.

Қиз хонани тарк этди.

Боб сейфни ёпиб харидорга кўнғироқ қилди ва тушлик қилгани чиқиб кетди.

— Содда қиз, — деди у ўзига ўзи йўлакда кетаркан.

“**Қутичада оддий шишадан чиройли қилиб ишланган тошлар турарди. Қутичада улар турли рангларда товланаиб турар, аммо қўлига олган мутахассис уларнинг оддий шиша эканлигини аниқлаши осон эди.**”

## ҚИММАТБАҲО ТОШЛАР ЎҒРИСИ



(Ҳикоя)

— Шундай қимматбаҳо марваридни менда қолдириб, мендан ҳеч қандай қоғоз ҳам сўрамади.

Дастлабки харидор икки яримда келди.

Боб унга виски ва сигара таклиф қилди, ўзи эса сейфни очиб, тошлар солинган қутичани олди. У марваридни олиб чўнтагига солди, сўнг харидорга ўғирлиб, қутичани узатди.

— Энг яхши бриллиантлар, — деди у.

— Ҳа-ҳа, биламан. Бу тошлар ҳақида эшитганман, — бош силкиди харидор ва қутичани олиб дераза олди борди.

Хонага жимлик чўкди ва бирдан харидор хайқириб юборди. Сўнг ғазаб билан ўшқирди:

— Бу қанақа бемаъни ҳазил?

Боб унинг олдига келди:

— Ҳазил дейсизми? Нима демоқчисиз? Мен...

Бирдан унинг нафаси чиқмай қолди.

Кундузги нурда товланаётган тошлар Уитни бриллиантлари эмасди. Қутичада оддий шишадан чиройли қилиб ишланган тошлар турарди. Қутичада улар турли рангларда товланаиб турар, аммо қўлига олган мутахассис уларнинг оддий шиша эканлигини аниқлаши осон эди.

Боб Ферфилднинг пешонасини совуқ тер босди.

У шошиб-пишиб қўлини чўнтагига солди ва марваридни олди. Сохта! Нурда марвариднинг аслида нима эканлиги аён бўлди.

— У мени лақиллатиб кетибди! — қичқирди Боб ва телефонга югурди.

Икки соатдан сўнг полиция офицери суриштирув ишлари ҳақида гапириб бергач, Боб омадсизликка учраганини тушунди.

— Ҳақиқий Грейс Делано Сакраментода автомобилда қўл-оёғи боеланиб, оғзига латта тиқилган ҳолда топилди, — деди детектив. — У Сидни Поттер коллециясидаги марваридларни олиб сафарга кетаётган экан. Йўлда уни тунашибди. Аммо

биз Слик Симмзни ушладик. У меҳмонхонадан чиқаётган пайтда қўлга олинган. Ҳали у билан гаплашганим йўқ.

Эшик тақиллади. Ферфилд эшикни очди. Ташқарида полициячи ва машҳур ўғри Слик Симмз турарди.

— Мени ушлаганлари учун кимга миннатдорлик билдиришим керак? — деди Симмз қўпол овозда. — Мени қонунга хилоф равишда ушлаганлари учун кимга қарши даъво кўзга-шим кераклигини адвокатим билиши керак.

— Ҳа, албатта, — қулди полициячи. — Сен эса нима учун жаноб Ферфилднинг хонасига кўнғироқ қилганини айтиб бер-чи? Шерингнинг қимматбаҳо тошларни алмаштираётган пайтда сен хонага кўнғироқ қилгансан. Жаноб Ферфилд телефонда гаплашгунча у барча ишни битирган.

Симмз ҳаммага бир-бир қараб чиқди, сўнг охира овозда гапира бошлади:

— Мен йўлакда келаётиб бу жанобни ҳалиги қиз билан кўриб қолдим. У қизни бир кўришда танидим. У Милли — қимматбаҳо тошлар ўғриси эди. Бу кишини оғоҳлантириш керак деб ўйладим. Шунинг учун пастга тушиб хизматчидан хонага кўнғироқ қилиб зарур гапим борлигини айтишини сўрадим. Аммо бу жаноб менга қўполлик билан рад жавобини берди ва бу хўрматсизлиги учун зарар кўрди.

Полициячи Ферфилдга қаради. Ферфилд эса унга. — Бу ёққа юринг, жаноб, — деди полициячи Ферфилдга йўлакка чиқишга ишора қилиб. — Уни кўрқитиш бефойда, — деди полициячи эшик ёпилиши билан. — Агар истасангиз, терговни давом эттиришим мумкин, аммо ҳеч нарсага эришолмаймиз. Агар уни қамоққа олишни сўраб ариза бераёсангиз, у сизни судга беради. У нима қилиши ва қилмаслик кераклигини

жуда яхши билади. У ҳар доим янги режа ўйлаб топади. Агар унинг режалари такрорланганда эди, биз унга айб қўя олардик. Аммо у бунга билади ва ҳар сафар янги нарса ўйлаб топади. Биз уни “айёр яшин” деб атаёмиз. Чунки яшин бир жойга икки марта тушмайди.

Ферфилд чуқур уф тортиди ва муштини тугди.

— Уни қўйиб юборасизларми?

— Агар ариза ёзмақчи бўлсангиз, марҳамат, — елкасини қисди полициячи. — Аммо яхшиси, адвокатингиз билан маслаҳатлашиб олинг. Унга қарши қандай айблов қўясиз? У сиз билан битта вагонда келган. Меҳмонхонада эса ўзи айтмоқчи, сизни ўғридан эҳтиёт бўлиш ҳақида оғоҳлантириш учун кўнғироқ қилган.

Ферфилд тер босган пешонасини артди.

— Наҳотки унинг қиз билан алоқасини исботлай олмайсизлар?

Полициячи кулиб юборди: — Уни қамоққа олиш учун ярим йиллик маошимдан воз кечардим. Биз уни неча марта кузатганмиз. Бари бефойда. Янаги сафар эса у бутунлай бошқача ҳаракат қилади.

Ферфилд хонасига қайтиб кирди ва эшикни катта қилиб очди.

— Йўқол бу ердан! — қичқирди у Симмзга қараб.

— Котибангиз ёки сизнинг сафарингиздан хабари бўлган ходимини ишдан бўшатишингизни маслаҳат бераман, — деди полициячи Ферфилдга.

Слик Симмз уларга қаради.

— Энди бунинг фойдаси бўлмас керак... — деди у. — Биласизми, яшин бир жойга икки марта тушмайди.

У шу сўзларни айтиб таъзим қилди ва хонадан чиқиб, лифт сари равона бўлди.

Ферфилд полициячига ўғирлиди ва ўзи ҳам сезмаган ҳолда жилмайди.

— У бир режани икки марта қўласа, қўлга тушини билади.

Полициячи бош ирғаганча мингирлади:

— У бир кун келиб хато қилади.

Аммо Ферфилд табассум қилишда давом этди:

— Фақат бу нухса эмас.

Айдингиз-ку, яшин бир жойга икки марта тушмайди.

Ташқаридан пастга тушиб кетаётган лифт овози эшитилди. “Айёр яшин” навбатдаги овга йўл олганди.

Русчадан Дилшодбек АСҚАРОВ таржимаси

## БУХОРО СОҶА КУБОГИ ФИНАЛИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Соҳа кубоги учун 2000 йилдан буён ўтказиб келинаётган мини футбол мусобақаси ташкил этилаётган спорт тadbирлари ичида алоҳида ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Республика кенгаши ўртасида "2018 йилга мўлжалланган ўзаро ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик бўйича қўшма тadbирлар режаси"нинг 38-бандига асосан, вазирлик тизимида фаолият юритаётган корхоналар ходимларидан тuzилган терма жамоалар ўртасида мини футбол бўйича кўчма кубок учун республика мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва юқори савияда ўтказилишини таъминлаш борасида 2018 йилнинг 13 апрелида ташкилий кўмита қарори тасдиқланган.

Мазкур қарорга асосан шу кунга қадар Сирдарё, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм ва Фарғона вилоятларида худудлараро ҳамда Тошкент шаҳридаги корхоналар жамоалари

ўртасида саралаш ўйинлари ўтказилиб, жами 21 жамоа ўртасида голиб бўлган 8та жамоа: Тошкент, Бухоро, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразм вилоятлари терма жамоалари, "Ўзбектелеком" АКнинг "ТШТТ-1" ва "ТШТТ-2" ҳамда АТ "Алоқабанк" жамоалари республика финал босқичида иштирок этиш учун йўлланма-ни кўлга киритишди.

Ички туризмни ривожлантириш гоёси асосида республика финал босқичини 2018 йилнинг 24-26 август кунлари Бухоро шаҳридаги "Жуйзар" соғломлаштириш комплексига ўтказиш ва мусобақа иштирокчилари учун диққатга сазовор тарихий обидаларга экскурсиялар уюштиришни Республика кенгаши ҳамда ҳомий корхоналар маблағи ҳисобидан ташкил этиш белгиланди.

Қайд этиш лозимки, соҳа кубоги финал босқичи ҳар йили асосан Тошкент шаҳрида ўтказиб келинарди. Бу сафар эса мусобақаларни Бухоро шаҳри қабул қилади ва унда саккиз жамоа нуфузли кубок учун баҳс олиб боради.



## ЎЗБЕКИСТОН ОТЖ МУДДАТИДАН АВВАЛ КЕЙИНГИ БОСҚИЧГА ЧИҚДИ

Индонезияда старт олган Осиё ўйинларининг футбол бeллашувига Ўзбекистон терма жамоаси "В" гуруҳида Бангладеш билан учрашди.

Учрашувда тўлиқ устунликка эришган Равшан Ҳайдаров шогирдлари 3:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

**Ўзбекистон ОТЖ — Бангладеш ОТЖ — 3:0.**

**Голлар:** Забиҳулло Ўринбоев (24), Достон Ҳамдамов (57), Икром Алибоев (67).

Гуруҳнинг иккинчи учрашувини Равшан Ҳайдаров шогирдлари 16 август кунини

Қатар олимпия терма жамоасига қарши ўтказишди.

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси 16 август кунини бўлиб ўтган иккинчи ўйинда Қатар олимпиячиларини йирик ҳисобда мағлуб этди ва муддатидан аввал кейинги босқичга чиқди.

**Осиё ўйинлари. Қатар ОТЖ — Ўзбекистон ОТЖ — 0:6.**

**Гол:** З.Ўринбоев (37), И.Алибоев (43), Д.Ҳамдамов (47), Ж.Сидиқов (49), Ж.Маширпиев (53), Б.Абдухолиқов (76).



### ТАҚДИМОТ



## МУВАФФАҚИЯТГА ЧОРЛОВ

Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм)да Шуҳрат Сатторовнинг "Биз ғалаба қозонамиз" номили китоби тақдимоти бўлиб ўтди.

Бошқарма шахсий таркибининг шартнома асосидаги ва муддатли ҳарбийлари ҳамда ишчи-хизматчилар иштирок этган тadbирни бошқарма бошлиғи полковник Бeҳзод Аденов очиб, аввалига муаллифнинг қисқача таржимаи ҳоли ҳамда китоби ҳақида маълумот берди. Жумладан, мазкур китоб Фаол тadbиркорлик, инновацион гоғлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилига бағишланганлиги, шунингдек, китоб ўқувчини муваффақият психологиясини мукамал ўзлаштиришга илҳомлантириши, ўз-ўзига ишончни тарбиялаши ва бахтиёр умр, касбий юксаклик, лидерлик сифатларини шак-

лантириб, бизнес қоидалари ва тadbиркорга хос хусусиятлар билан таништириши, вақтни тўғри тақсимлаш, жамоат олдида чиқиш қилиш ва жамоада ишлаш бўйича қимматли тавсиялар бериши, илмий-оммабоп маълумотлар билан таништириб, юксак марра ва мақсадлар сари чорлаши ҳақида тўхталиб ўтди. Тadbирда муаллиф Шуҳрат Сатторов сўзга чиқиб, китобнинг яратилиш тарихи, гоёси, тарбиявий аҳамияти, муваффақият ва нуносиб ҳаёт сирлари, ёшларнинг келажакда юксак марраларга эришишдаги ўрни ҳақида гапирди берди. Тақдимот давомида аскар ва офицерлар ҳам сўзга чиқишиб, китоб ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди ва саволларига муаллиф томонидан жавоблар олишди.

**Муборак МИРКАМОЛОВА**

### МАЪРИФАТ ДАРСИ

## МУОМАЛАДА ХУШФЕЪЛ БЎЛАЙЛИК

Давлат фельдгерлик хизматида навбатдаги маърифат дarsi бўлиб ўтди. Унда ДФХ бўлими бошлиғи подполковник А.Мирмақсулов "Бошқарувда маънавий мулоқотнинг ўрни" мавзусида маъруза қилди.

— Жамиятда қай бир касбни олманг, ўзига хос ахлоқ қоидалари бўлади. Буни ёзилмаган қонун-қоидалар, деб ҳам аташ мумкин. Агар эътибор берсак, биринчи навбатда, муомалада хушфеъллик асосий талаблардан бири бўлиб, ушбу ахлоқий хатти-ҳаракат меърилий нуқта назаридан ҳам муҳимдир. Буюк саркарда Амир Темур бобомиз ҳам ўзининг

тенгсиз одиллиги, ҳақиқатпарварлиги билан замондошлари орасида шухрат қозонган. Буни у кишининг давлат муҳиди ёзилган "Рости — русти" ("Куч — адолатда") шиоридан ҳам билиш мумкин.

Юртбошимизнинг демократик жамият куришида кучли ижтимоий сиёсатга ва адолатга таяниб олиб бораётган сиёсати фикримизга ёрқин далилдир. Демократик жамиятнинг энг муҳим белгиларидан бири — жамият аъзоларининг қонун олдида тенглиги, конституция ва қонунлар устуворлиги таъминланганлигидир.

Айни кунларда халқимиз

ҳаётимизнинг маъно-мазмунини, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган, энг улуг, энг азиз — Мустақиллик байрамининг йигирма етти йиллигини кўтаринки руҳ ва шоду хуррамлик билан нишонлашга ҳозирлик кўрмоқда. Демак, истиқлолнинг ҳар бир ютуғи, муваффақияти ҳар биримизнинг маъсуулимиз, бир-биримизга нисбатан муносабатимиз билан белгиланади.

Маърузачи шулардан келиб чиқиб, ДФХ ходимлари ҳам муомала маданиятига қатъий риоя қилишлари лозимлигини алоҳида уқтирди.

**Ўз мухбиримиз**

### ЭЪЛОН!

## Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълум қилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 2001 йил 24 октябрдаги "Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божи микродоларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 421-қарорига асосан лицензиядан фойдаланганлиги учун навбатдаги ҳар йиллик давлат божининг тўлов муддатини бузганлиги учун қуйидагиларга:

"UNIVERSAL TABMIR TABMINOT ISHLAB SHIQARISH" хусусий корхонасининг (Қашқадарё вилояти) шаҳрлараро телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятига 2017 йил 10 мартда берилган АА серияли 0006128 рақамли;

"ALOQAINVEST ANDIJON" маъсуулияти чекланган жамиятининг (Андижон вилояти) маҳаллий те-

лекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятига 2016 йил 9 июнда берилган АА серияли 0005859 рақамли;

"STAR SERVICE GROUP" маъсуулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига 2017 йил 22 июнда берилган АА серияли 0006205 рақамли;

"SARVAR TEXNO SERVIS" маъсуулияти чекланган жамиятининг (Қашқадарё вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятига 2017 йил 5 апрелда берилган АА серияли 0006136 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2018 йил 10 августдан бошлаб 10 иш кунига тўхтатилди.

### Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Сурхондарё вилоят худудий бошқармаси жамоаси вилоят АКМ директори Маъруф Абдушукуровга волидаси

**Чиннихол момо АЛИҚУЛОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.



нега бундай қилдинг?!

Аёли:

— Чунки у ҳалемай улғаяди. Онангизни саҳрода қолдирганингиз каби, бизни бирор жойга ташлаб кетади, ишингизни қайтаради, бундай боланинг бизга кераги йўқ, — деди хотиржам.

Бу гаплардан эркакнинг эси оғиб қолай деди. Отини эгарлаб, кўчган жойларига елиб кетди.

Одатда аҳоли кўчса, улардан қолган нарсалар орасидан егулик излаб, ёввойи ҳайвонлар кезиб юрарди. Киши шундан хавотирланган эди. Қараса, ҳақиқатан ҳам онаси унинг суюкли ўглини бағрига маҳкам босиб олган, улар атрофини ўраб олган бўрилар хужумга шайланиб туришарди. Бечора она неварасини кўйлаги билан яшириб, бўриларга қўлига илдинган нарсаларни отар, “ярамаслар, йўқолинглар, менга нима бўдса майли, ўғлимнинг жигарбандига тегманглар”, дея бақирарди.

Киши милтигини олиб бўрилардан бирини отди. Қолганлари эса кўрқиб қочишди. У отилан тушиб, онасини бағрига босди. Юз-кўзларидан ўпиб, кечирим сўради. Ва уларни отга миндириб, қавми томон қайтди. Шундан кейин у онасига мисли кўрилмаган даражада меҳрибон бўлди.

Ота-онага яхшилик қилиш, сиз ёзадиган қисса бўлиб, ундаги воқеалар акси фарзандларингизда кўринади. Ота ва она жаннатнинг калити, калит эса уларни рози қилиш орқали қўлга киритилади!

**“Ота-онага яхшилик қилиш, сиз ёзадиган қисса бўлиб, ундаги воқеалар акси фарзандларингизда кўринади.”**

Қадимда бир қавм бўлиб, улар кўчманчи бўлиб яшашни одат қилишган эди. Улар орасида кекса ёшли онаси бор бир киши ҳам истиқомат қиларди. Она кексалик сабаб ора-сира хотирасини йўқотар, бундай пайтларда ўғлига қаттиқ ёпишиб олар, қасрга борса бирга олиб кетишни талаб қиларди. Онанинг бу одати ўлига малол келар, асабларини уйнатар, аҳоли орасида гўё шу сабаб обрўси тўкилаётгандек сезарди ўзини.

Кунларнинг бирида улар одатларига кўра яна бошқа яйловга кўчмоқчи бўлишди. Эркак аёлига:

— Онаси, эртага янги жой-

га кўчяпмиз. Онамнинг аҳволдан уяламан, касали тутиб, одамлар олдида мени шарманда қилишидан чарчадим. Шу сафар у кишидан қутула қолайлик. Унга бироз егулик ва ичимлик бериб, ташқарида қолдир. Биров кўриб қолса, раҳми келиб олиб кетар, — деди.

Аёли:

— Хўп бўлади, ҳожам. Хотиржам бўлинг! Айтганингиздек қиламан, — деб жавоб берди.

Эртаси кунни ҳамма кўчкўронини йиғиб, кўчишни бошлади. Аёл эри айтганидек, қайнонасига бироз озиқ-овқат, ичимлик суви қолдирди ва ҳаммалари жунаб кетишди.

Улар куннинг ярмида дам олиш учун тўхташди. Онасини қолдирган киши ўғилчаси кўринмаётганидан хавотирланиб, унинг қаерда эканини сўради. Унинг якка-ю ёлғиз, бир ёшли ўғли бор эди. Уни жудаям яхши кўрар, доимо суйиб эркалатарди. Аёли унинг сўроғига индамади.

— Ўғлим қани деб сўра-япман сендан, эшитмадингми? — деди.

Аёли:

— Уни онангиз билан қолдирдим, бизга энди унинг кераги йўқ, — деди.

Бу гапларни эшитган эр додлаб юборди:

— Нимага, менам бесўроқ

МАСЛАҲАТ

**ФАРЗАНДИНГИЗНИ ГЎЗАЛ АХЛОҚҚА ЎРГАТИНГ**

Фарзанд тарбиясида бу иш ўта муҳим ҳисобланади. Кўриниши кўркам, ўқимишли йигит-қизлар тарбиясидаги айрим камчиликлар: кўполик, кибр-ҳаво, ҳасадгўйлик ёшлигида маънавий баркамол қилиб тарбияланмаганлиги оқибатиدير. Фарзандингиз

- Вафони ўрганиши учун, ҳеч қачон берган ваъдангизни бузманг.
- Бошқаларни ўзидан афзал кўришга кўниктиринг, ўзингиз бу ишда намуна бўлинг!
- Ҳийла-найранг, ёлгон, ўғирликни ёмон кўришга ўргатинг!
- Инсонлар ранги ёки насаби билан афзалроқ эмасликларини билдириш!
- Сахийликка ўргатиб, ўзингиз бу ишда намуна бўлинг!
- Ака-укалари орасида адолат қилинг!
- Қаттиққўл бўлманг, акс ҳолда кўрқоқлик ва ёлгонга муккасида кетади.
- Унинг нафсониятига кўркув уруғини экманг. Акс ҳолда каззоблик, яъни ёлгончиликни одат қилиб олади.
- Сабрли бўлиш ва шошқалоқлик қилмасликни машқ қилдириш!
- Унга тавозе, мулойимлик, кибрни тарқ этиш каби ишларни яхши кўрсатинг!
- Баъзи ўринларда шижоат кўрсата билса, мукофотлаб туриш!



<p><b>Xabar</b></p> <p><b>МУАССИС:</b></p> <p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи: Абдугани АБДУРАҲМОНОВ</p>	<p><b>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:</b>                  Шўҳрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Шўҳрат ҚОДИРОВ, Евгений БИРГЕР, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ, Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p> <p>Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлиниши мумкин. Наҳримиздан кўчириб босилганда “Хабар”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоси келишилган нарҳда.</p>	<p><b>МАНЗИЛИМИЗ:</b></p> <p>100105, Тошкент, Толлимаржон кўчаси, 6-уй.                  Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78                  Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz</p> <p><i>Обуна индекси — 228.</i></p> <p>Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.                  Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.                  Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ</p>		
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтанинг жума кунини чиқади</p>	<p>“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.                  Манзили: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.</p>	<p>G-843 сонли буюртма. Офсет усулида босилди.                  Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.                  Алади: 2982 нусха.</p>	<p><b>ISSN 2010-6424</b></p> <p>Босишга топширилди — 20.00.                  Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>
<p>Видеот муҳбирлари: Андижонда Бухорода Жиззахда Наманганда Навойида Нукусда Самарқандда Термизда Тошкентда Урганча Фарғонада Қаршида                  226-47-80 (0365)600-87-21 (94) 199-95-64 (91) 353-71-25 225-91-10 554-35-45 (91)557-84-44 (91)235-88-68 291-43-28 (97) 211-65-05 244-18-05 (93)931-08-99</p>				